O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • 2004-yil, 9-aprel • № 14 (3740)

ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЛАТВИЯ САФАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 7-8 апрел кунлари давлат ташрифи билан Латвия Республикасида бўлди. Олий мартабали меҳмон Рига қасрида расмий кутиб олинди. Икки мамлакат Президентлари Ислом Каримов ва Вайра Вике Фрейберганинг сухбати чоғида Ўзбекистон — Латвия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилди. Ўзаро муносабатларни янада юксак даражага кўтариш зарурлиги таъкидланди.

Музокараларда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтаришга доир масалалар муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Латвия республикалари ўртасида консуллик конвенцияси, Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Латвиянинг Парекс банки ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум ва бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Президентлар музокаралар самарали ўтганини, томонлар муҳокама этилган халқаро масалаларга нисбатан ёндашув ўхшаш ва яқин эканлигини таъкидладилар.

Ислом Каримов Вайра Вике Фрейберга ҳамроҳлигида Озодлик ёдгорлигига ташриф буюриб, Латвия халқи қаҳрамонлари хотирасига ҳурмат бажо келтирди. Ёдгорлик пойига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбари Латвия Республикаси халқаро мукофотлар жамғармасининг «Мўъжизакор Николай» ордени билан тақдирланди.

ТАШРИФ НИҲОЯСИГА ЕТДИ

РИГА. 8 апрель. (ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифининг иккинчи куни Рига Думаси раиси — шаҳар мэри Г.Боярс билан учрашувдан бошланди. Ислом Каримов Рига Думасининг фаолияти билан яқиндан танишди. Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасидаги иқтисодий, маданий, илмий-техникавий соҳалардаги алоқаларни янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислом Каримов Г.Боярс ҳамроҳлигида «Кронвольда» боғига келди. Риганинг энг сўлим гўшаларидан бўлмиш ушбу боғда буюк аллома ва давлат арбоби Мирзо Улуғбек ҳайкалининг (ҳайкал муаллифи — Ўзбекистон халқ рассоми Р.Миртожиев) расмий очилиш маросими бўлди.

Икки мамлакат давлат мадҳиялари янгради.

Президент Ислом Каримов маросимда сўзга чиқиб, Латвия заминида ўзбек халқининг буюк сиймолари, маданий, илмий қадриятлари эъзозланаётгани учун латиш халқига ва ҳукуматига миннатдорлик изҳор этди. Рига шаҳрининг марказида буюк бобомиз Мирзо Улуғбек ҳайкалининг ўрнатилиши икки халқ, икки мамлакат ўртасида тобора мустаҳкамланиб бораётган дўстона муносабатларнинг ўзига хос тимсоли бўлиб қолажаклигига ишонч билдирди.

Ислом Каримовнинг Латвия Республикаси Сейми (парламенти) Раиси И.Удре билан учрашувида Ўзбекистон билан Латвия қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Латвия Республикаси Бош вазири И.Эмсис билан ўтказган музокараси мамлакатларимиз ўртасида сиёсий, иқтисодий, савдо-саноат, транспорт алоқаси, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳамкорликни янада чуқурлаштириш масалаларига бағишланди. Ташриф чоғида имзоланган ҳужжатлар ушбу ҳамкорликни ривожлантиришда, муносабатларимизни мазмунан янада бойитишда муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Латвия Республикасига давлат ташрифи ниҳоясига етди.

БУГУН — АМИР ТЕМУР ТУҒИЛГАН КУН

СОҲИБҚИРОН ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН САРКАРДАЛАР

Соҳибқирон Амир Темурнинг жаҳоншумул обрў-эътибор ва шон-шуҳрат қозонишида бош омил ҳисобланган жиҳат, яъни саркардалик даҳоси, ҳарбий истеъдоди ва маҳорати, жаҳон ҳарб санъатига қўшган улкан улуши борасида кўпдан-кўп фикр-мулоҳазалар, илмий ҳамда бадиий асарлар мавжудлигига қарамасдан, бу борадаги изланишларни узлуксиз давом эттириш Соҳибқироннинг ҳарбий иш соҳасидаги янгидан-янги хусусиятларини кашф этишга хизмат қилади, деган фикрдаман.

Ҳазрат Амир Темурнинг бутун жаҳон аҳлини ҳайратга солган ҳарбий зафарларига, албатта, фақат унинг Оллоҳ томонидан инъом этилган лашкарбошилик салоҳияти маҳсули дебгина қарамасдан, балки унинг фавқулодда замонавий қурол-яроғлар билан таъминланган, ўша даврнинг илғор жанг олиб бориш амалиётларини мукаммал эгаллаган ўта интизомли армияни тузиши натижаси тарзида баҳоламоқ ҳам мақсадга мувофиқдир.

Асосий карвон йўллари устидан қатъий назорат ўрнатиш, салтанат қудратини юқори поғонага олиб чиқиш, халқ турмуш тарзини кўтариш каби олий мақсадлар йўлида Амир Темур XIV — XV асрларда ҳам стратегик, ҳам тактик жиҳатдан тенги йўқ тезкор ҳарбий кучлари билан сонсиз жангу жадалларда иштирок этди, оламшумул ғалабаларга эришди. Амир Темур ўзининг 45 йил давомида олиб борган тўхтовсиз ҳарбий ҳаракатларида қўшиннинг турли бўлинма ва қисмларини бошқарувчи истеъдодли қўмондонларни танлашга, уларни тарбиялаб, вояга етказишга алоҳида куч сарфлади.

Ҳарбий ишнинг мураккаб сир-асроридан тўла воқиф бўлган, ғаним кучлари сафларини синдириш усулларини пухта эгаллаган, мураккаб вазиятларда ҳам эсанкирамай дадил ҳаракат қиладиган, ҳар қандай тўсиқ ҳамда ғовларни усталик билан босиб ўтадиган, мақсадларнинг рўёбга чиқиши йўлида ўз жонини ҳам бахшида этадиган фидокор ва содиқ шахсларни Соҳибқирон, биринчи навбатда, қўшинда мавжуд бўлган турли лашкарбошилик вазифаларига лойиқ топар, аскарлар тақдирини уларга топширар эди.

Тарихий манбаларнинг шаҳодат беришларича, Амир Темур барпо этган қудратли армиянинг турли-туман қисм ва бўлинмаларига уч юз ўн уч бек сардорлик қилган. Уларнинг дастлабки юзтаси ўнбегилик, иккинчи юзтаси юзбегилик, учинчи юзтаси мингбегилик мансабларига эгалик қилган. Туман, яъни ўн минг жангчидан иборат дивизияларга Соҳибқироннинг ўғиллари, набиралари, сафдошлари ва уларнинг фарзандлари бошчилик қилган. Амир Темур армиясида хизматда бўлган саркардаларни шартли уч гуруҳга бўлиш мумкин.

Биринчи гуруҳга Соҳибқироннинг марказлашган салтанат барпо этиш иддаоси билан сиёсат саҳнасига чиққан вақтдан умрининг сўнгги онларигача унга садоқат ва вафо билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлган амир Сулаймон барлос, амир Жаку барлос, амир Хожи Сайфуддин нукуз, амир Аббос баҳодир қипчоқ, амир Довуд дуғлат, амир Муайяд арлот, амир Оқбўға баҳодир найман, амир Шайх Али баҳодир, амир Элчибўға баҳодир, амир Эйгу Темур баҳодир сингари уруғ ва қавм сардорларини киритиш жоиз.

Иккинчи гуруҳдан Соҳибқироннинг дўстлари, тенгқурлари, содиқ сафдошлари, фарзандлари ўрин олади. Булар ичида 1383-1384 йили вафот этган амир Жаку барлоснинг ўғли амир Жаҳоншоҳ, 1391 йили Тўхтамишхон билан бўлган тенгсиз жангда ҳалок бўлган Эйгу Темурнинг қондоши амир Шоҳмалик, амир Сарибўға жалойирнинг фарзанди амир Шайх Нуруддин, амир Аббос баҳодирнинг ўғиллари — амир Усмон, амир Умар, амир Шамсуддин, амир Ҳожи Сайфуддиннинг укаси амир Аллоҳдод, амир Тоғайбўғанинг ўғли амир Рустам сингари кўпдан-кўп саркардалар алоҳида жой эгаллайди.

Учинчи гуруҳни Соҳибқироннинг хос фарзандлари, набиралари, яқин туғишганлари ташкил этади. Булар жумласидан Жаҳонгир мирзо, Умаршайх мирзо, Амираншоҳ мирзо, Шоҳрух мирзо ва уларнинг пушти камаридан бўлган фарзандлари Муҳаммад Султон мирзо ва Пир Муҳаммад мирзо ибн Жаҳонгир мирзо, Пир Муҳаммад мирзо, Рустам мирзо ва Искандар мирзо ибн Умаршайх мирзо, Абубакр мирзо, Умар мирзо ва Халил Султон мирзо ибн Амираншоҳ мирзо киради. Шоҳрух мирзонинг ўғиллари ҳали ўта кичик ёшда бўлганлари боис улар Амир Темурнинг ҳаётлик пайтида унинг аскарий қисмларига, табиий, саркардалик қилолмас эдилар.

Мазкур гуруҳга Соҳибқирон қизи Оғабегининг ўғли Султон Ҳусайн мирзо ҳамда опаси Қутлуғ Туркан оғанинг амир Довуд дуғлатдан туғилган фарзанди амир Сулаймоншоҳ баҳодир мирзо ҳам ҳақли равишда тааллуқлидир.

Амир Темур қўмондонлар таркибининг ҳарбий ишда талаб даражасида маҳорат ва малакага эга бўлган истеъдод соҳибларидан шакллашишга катта эътибор қаратган. Ҳарбий қобилияти бор муайян бир шахс, ижтимоий ҳолатидан қатъи назар, лашкарбошилик рутбасини қўлга киритган.

Соҳибқироннинг хос навкарларидан бўлмиш Мубашширнинг Амир Темурнинг шахсий раҳнамолигида амирлик даражасига ўсиб бориши зикр этилган мулоҳазани тасдиқлашда яққол мисолдир. Соҳибқирон шахсан ўзи олий бош қўмондонлик қилган барча йирик муҳорабаларда бевосита қатнашган амир Мубашшир, масалан, Туркия султони Боязид Йилдирим билан 1402 йили Анқара бўсағасидаги жангда Амираншоҳ мирзо, Муҳаммад Султон мирзо, Пир Муҳаммад мирзо, улуғ амирлар — Шайх Нуруддин, Али Султон, Али Қавчин ҳамда Таҳуртан қатори қўшиннинг бурангаридан жой олган.

Бўлажак саркардалар жуда ёшликдан ҳарбий санъатнинг нозик жиҳатлари билан яқиндан танишган, тажрибали мураббийлар, яъни отабеклардан аскарий иш борасида сабоқ олган, ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этганлар.

Манбаларга мурожаат қиламиз. Жаҳонгир мирзо ва Умаршайх мирзо ўспиринлик чоғидан сиёсий ҳамда ҳарбий ҳаётда фаоллик кўрсатганлар. Амираншоҳ ўн тўрт ёшида Хуросон мулки ҳукмдори этиб тайинланган ва шу ўлканинг қўшинларини бошқарган. 1377 йили таваллуд топган Шоҳрух мирзо 1390 — 1391 йиллари амалга оширилган юришларда қатнашган.

1398 йилнинг 17 декабрида Деҳли ҳукмдори Султон Маҳмудхон билан тўқнашув вақтида Амир Темурнинг эътиборли бекларидан Худойдод қўлида таълим олган, эндигина ўн беш баҳорни қаршилаган Халил Султон мирзо ҳаммадан бурун душманга ҳамла қилади ва бир жанговар филни ўлжа олиб, Соҳибқирон ҳузурига келади. Натижада бобоси томонидан турли-туман мақтову новозишлар билан тақдирланади.

Давоми иккинчи бетда.

Суратда: *таниқли рассом Жавлон УМАРБЕКОВнинг "Соҳибқирон Амир ТЕМУР" асари*

ҚОДИРИЙНИ АНГЛАШ

АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ

Чинакам ижодкор сўз қадрини юксалтиради. Унинг қаламида сўз сайқал топади, жилоланади. Ўз навбатида, сўз ҳам бундай ижодкор номини шарафларга буркайди. Абдулла Қодирий, ҳеч шубҳасиз, шундай ижодкорлар сирасига киради. Шу боис, бир асрдан зиёдроқ муддат ўтган бўлса-да, унинг муборак номи авлодлар тилида, асарлари мудом мутолаа қилинмоқда. Олимларнинг янги-янги авлоди бу умрбоқий меросни изчил тадқиқ қилиб, очилмаган қирраларини кашф этмоқдалар. Шунинг учун ҳам адиб асарлари саҳнадан тушмай келади. Орадан узоқ муддат ўтишига қарамай, томошабин бу асарлар асосида ишланган кинофилмларни интиқлик билан кутади, ҳаяжон билан томоша қилади. Адиб асарларининг ўнлаб чет тилларга таржима қилингани, мероси узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар олимлари эътирофини қозонгани сабаби ҳам — шунда.

Абдулла Қодирий асарларида бирор сўз шунчаки ишлатилган эмас. Ҳар бир сўз, ҳар бир жумла муайян маъно ташийди. Биргина мисол. Адиб "Ўткан кунлар"ни шундай тасвир билан бошлайди: "1264-нчи ҳижрия, далв ойининг 17-нчиси, қишқи кунларнинг бири, қуёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир..." Савол туғилади: роман нима учун бундай тасвир билан бошланди? Нима учун далв (22 январ — 22 феврал) ойи? Нега баҳорги эмас, қишқи кунларнинг бири? Не боис қуёш ботқан, не учун шом азони? Ахир адиб романни фасллар келинчаги — баҳор тасвири билан ҳам бошлаши мумкин эди-ку? Роман ибтидосида шом азони эмас, бомдод азони эшитилиши ҳам мумкин эди-ю? Демак, бу тасвир замирида адибнинг муайян мақсади яширинган. Бизнингча, адиб бу орқали юртнинг тараққий баҳори ўз ўрнини таназзул қишига бўшатиб берганига ишора қилади. Унинг тамаддун қуёши ботиб, инқироз шоми бошланганини таъкидламоқ истайди. Романда бундай рамзлар, тимсоллар жуда кўп. Бир қанча маъно қатламига эга бўлган шундай тимсоллар асарнинг теран мазмуни ва юксак бадиятини таъминлаган, дейиш мумкин.

Ёзувчи ҳажвий асарлари қаҳрамонлари тилидан ўзи яшаган мураккаб ва зиддиятли замон воқелигига муносабат билдирди. Юксак жасорат билан ўткир муаммоларни кўтариб чиқди. Бу муаммоларга муолажа излади. Энг аҳамиятлиси, у кўтариб чиққан муаммолар Қодирий яшаган замонгагина тегишли эмас. Улар қайсидир даражада миллатнинг бугуни ва эртасига ҳам дахлдор. Адиб асарлари мудом севиб мутолаа қилинаётгани сабаби шунда.

Яқинда Ал-Хоразмий мавзеида жойлашган Тошкент Автомобил йўллар институти қошидаги Акмал Икромов академик лицейида улуғ адиб таваллудининг 110 йиллигига бағишланган тадбирда иштирок этишимга тўғри келди. Тўғриси, боришимдан олдин бу ҳам одатдагидек ҳали бошланмаёқ йиғин қачон тугаркин, деган кайфиятдаги ўқувчилар мажбуран йиғилган тадбирлардан бўлса керак, деган фикрда эдим. Адашган эканман. Ўқувчилар йиғилишда қатнашган профессорлар Умарали Норматов ва Баҳодир Карим сўзларини, ҳатто каминанинг чиқишини ҳам катта қизиқиш билан тингладилар. Қизғин фикр алмашув бўлди. Лекин энг қизиғи бунда ҳам эмас. Ўқувчилар тайёрлаган саҳна кўринишларини, ҳеч иккиланмай, юксак профессионал даражада бўлди, дейиш мумкин. Айниқса, адиб асарларидаги оддий ўқувчи тушуниши бироз мураккаброқ бўлган Тошпўлат тажанг, Калвак махзум, Ширвон хола образларини ўқувчилар шунчалик муҳаббат ва маҳорат билан ижро этдиларки, уларни томоша қилганлар қаттиқ таъсирландилар, ҳатто кўзларимиз ёшланди. Саҳна кўринишларида гримдан тортиб ижро маҳоратигача бениҳоя юқори савияда бўлди. Академик лицей ўқувчиларидан Шукуров Умид (Тошпўлат тажанг), Мадаминов Абдукарим (Калвак махзум), Очилова Хадича (Ширвон хола) ўзларининг чинакам истеъдод эгалари эканлигини, Қодирий асарларини нечоғлик теран англаганликларини намойиш этдилар. Бунда барча адабиёт ўқитувчиларининг, айниқса, Гулнора Тожиеванинг хизматлари борлигини алоҳида таъкидламоқчи эдим. Кечада бошдан-охир иштирок этган академик лицей директори Жаҳонгир ака Қодировнинг ўзи физик бўлса-да, адабиётни, маърифатни қадрлаши, ўқувчилар учун қуюнчаклиги бошқа таълим масканлари раҳбарларига ўрнак бўларли.

Демак, авлодлар учун Қодирийни англаш эҳтиёжга айланмоқда. Табиийки, бу ҳар бир адабиёт мухлисини ва мутахассисини қувонтиради.

Бугина эмас. Таъкидланганидек, адиб ижодий мероси адабиётшунослар, тилшунослар ва ёндош соҳалар олимлари томонидан юқори савияда тадқиқ этилмоқда. Куни кеча Ўзбекистон Миллий университетида бўлиб ўтган Абдулла Қодирий таваллудининг 110 йиллигига бағишланган илмий анжуман бунинг яна бир далили. Ўзбек филологияси факултети декани, филология фанлари доктори Баҳодир Каримов олиб борган анжуман қизғин илмий муноза-ралар тарзида ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов, Халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, филология фанлари докторлари, профессорлар У.Норматов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Ҳ.Дадабоев, Д.Қуронов, докторант И.Ёқубов, аспирант Х.Полвоновларнинг чиқишлари Абдулла Қодирий мероси бугун турли ракурсларда, янгича ёндашувлар асосида ўрганилаётганини кўрсатди. Адиб асарларининг умрбоқийлик сирларини кашф этиш борасида олимларимиз томонидан изчил ва самарали илмий изланишлар олиб борилаётгани маълум бўлди.

"Ўткан кунлар" романининг 1925 ва 1926 йиллардаги нашрларининг муқовалари.

Абдулла Қодирий юбилейига бағишланиб адиб номи билан аталадиган Тошкент Давлат Маданият институтида, Республика таълим марказида ва бошқа илм масканларида ўтказилган илмий анжуманлар, учрашув ва мулоқотлар халқимизнинг, зиёлиларимизнинг миллий сўз санъатига, адабиётимизнинг юксак намояндаси Абдулла Қодирий ижодига бўлган муҳаббати ифодасидир. Зеро, чинакам адиблар мероси сўз умри каби боқий бўлади. Адабиётимиз тарихидан бунга кўплаб далиллар келтириш мумкин. Бинобарин, ҳазрат Огаҳий сўзнинг қудрати ҳақида қуйидаги мисраларни бежиз ёзмаган эди:

Киши неча иморат қилса бунёд
Ва ёки ҳаддин афзун қўйса авлод,
Тутуб бўлмас бирисидин бақо кўз,
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.

Нурбой ЖАББОРОВ

ҲАММА ГАП ТАРБИЯДА

МУНОСАБАТ

Март ойининг сўнгги кунларида рўй берган нотинчлик барча ватандошларимизнинг ғазабини қўзғади. Ахир осмонимиз мусаффолиги, юртимизнинг тинч ва осойишталиги нечоғлик буюк неъмат эканлигини билмаган одам борми?

— Бу воқеалар мен учун кучли зарба бўлди,— дейди пойтахтимиздаги «Ўзбекистон мустақиллиги» маҳалласи фаоли Эгамназарҳожи Қодиров. — Бу юртимиз фаровонлиги, тинчлигини кўролмаган номардларнинг иши. Террорчиликка қарши кураш бу — нафақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси, балки ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир. Маҳаллага катта ваколатлар берилган. Бу халқимизнинг тинчлиги йўлида қилинаётган давлатимизнинг оқилона сиёсатидир. Шундай экан, маҳалла қўмитаси ўз ҳудудидаги оилаларни яқиндан билиши шарт. Уларнинг аҳволидан бохабар бўлиб туриши, муаммоларини ечишда ўз ёрдамини аямаслиги керак. Бунинг учун ҳамма шароитлар бор.

— Ҳожи ота, Сиз кўп йиллар маҳаллага оқсоқоллик қилгансиз. Ҳозир ҳам унинг ҳаётида фаол қатнашиб келасиз. Айтингчи, бундай нохуш воқеаларнинг олдини олиш учун нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?

— Касалликни даволашдан кўра, унинг олдини олиш муҳим. Менинг фикримча, фарзандлар тарбиясига қунт билан ёндашишимиз керак. Аввало, ҳар бир ота-она болаларига тўғри тарбия бериши керак. Мактаб ва маҳалланинг ҳам бунда катта ўрни бор. Тарбияли фарзанд ҳеч қачон номаъқул ишга бош кўшмайди. Қўпорувчиликни амалга оширган гумроҳлар эса тарбия кўрмаган ёки уларга нотўғри тарбия беришган. Бунда уларнинг оиласи, мактаби, қолаверса, маҳалласининг ҳам айби бор. Наҳотки маҳалла, қўни-қўшни ва ҳатто ота-она ҳам ўз фарзандининг қилмишларидан бехабар бўлса. Ёшларимизга тўғри тарбия берсак, доимо огоҳ бўлсак, бундай ишларнинг олдини олган бўлардик.

Фурсатдан фойдаланиб, халқимизга тинчлик-хотиржамлик тилайман. Осмонимиз мусаффо бўлсин. Доимо огоҳлик ва ҳушёрлик ҳамроҳимиз бўлсин.

Ф. МАҲКАМОВ ёзиб олди.

ТАРИХНИ ОРТТА ҚАЙТАРИБ БЎЛМАЙДИ

Президентимиз Латвия сафарига жўнаб кетишларидан олдин журналистларга берган интервьюсида барчамиз учун ибрат бўладиган фикрларни айтдилар. Ҳақиқатан ҳам, тинчлик учун курашиш фақат ички ишлар ходимларининггина иши эмас. Ҳар бир фуқаро, жамиятнинг ҳар бир аъзоси осойишталик барқарорлиги учун саъй-ҳаракат кўрсатмоғи зарур.

Озгина инсофи бор одам мустақиллик даврида ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида катта ютуқларга эришганимизни эътироф этмай иложи йўқ. Буни ҳамма кўриб-билиб турибди. Бу ютуқлардан қувониб, янада кўпроқ муваффақиятга эришиш йўлида биз билан ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар кўп. Табиийки, мустақил тараққиёт йўлимизни кўра олмайдиганлар, қандай қилиб бўлса-да, бунга халақит беришга интиладиганлар ҳам топилади. Уларга айтадиган сўзимиз шу: бизни ҳеч ким, ҳеч қачон танлаган йўлимиздан қайтара олмайди.

Март ойининг сўнгги кунларида юртимизда бўлган нотинчликлар замирида ҳам ана шундай ғаразли кучларнинг қўли бор. Бу ҳаракатлар моҳиятан миллатимиз табиатига зид. Уларнинг илдизлари хорижда эканлигига шубҳа йўқ. Халифалик қуриш даъвосидагиларга айтмоқчи эдимки, нега энди ўзбеклар VIII асрга қайтишлари керак? Ахир биз XXI асрда, тамомила янги замонда яшаяпмиз. Бу замоннинг ўз талаблари, ўз мезон-ўлчовлари бор. Шунинг учун бундай хом хаёлларни эсдан чиқариб, замон билан ҳамқадам бўлишни маслаҳат берардим уларга. Ахир тарих ғилдирагини ортга қайтариб бўлмайди.

Биз эркин демократик жамият сари илдам бораётган, тобора ривожланаётган давлатда яшаяпмиз. Шубҳасиз, бугунги оламшумул ислоҳатлар эртага ўз натижасини беради. Бизни бахтли келажак кутяпти. Истиқболимиз нурли бўлишига ишонаман.

Г.БЕГИМҚУЛОВА, талаба

ШЕЪРИЙ ЛАҲЗА

БУЮК СОҲИБҚИРОНИМ

Ҳаёт карвон, кимлар келиб кетаверар,
Кимлар мағлуб, ким муродга етаверар.
Дунёи дун токи давом этаверар,
Темур бобом руҳи мангу билмай завол,
Элим бирлан, юртим бирлан топгай камол.

Искандардан ҳатто зиёд зобит бобом,
Эътиқоду ҳам иймонда собит бобом,
Соҳибқирон неки, асл обид бобом,
Юртбошимнинг сиймосида барҳаётсиз,
Абдуллонинг шоҳбайтида ҳур баётсиз.

Алп Алининг зулфиқори қўлингизда,
Ғов бўлар бир мард чиқмаган йўлингизда,
Гарчи бисёр ёғий ўнгу сўлингизда,
Янчиб бошин илон янглиғ разолатнинг,
Қудратига ишонгансиз адолатнинг.

Эй, от солган тўрт томонга ғойибона,
Зафар қучган Ҳақ жангида ғолибона,
Пирларига садоқатда толибона,
Жаҳонгирим, бунёдкор ҳам муслим бобом,
Камалакдай лол айлаган тилсим бобом.

То биз Сизга ворис бўлдик, бўлдик толиб,
Руҳингиздан куч-қувват ҳам мадад олиб,
Эрк жангида музаффармиз, ўктам, ғолиб,
Қалбимизда Сиздан мерос оловимиз,
Ҳилпирайди мустақиллик яловимиз.

Камол топиб кўҳна Кешнинг ўчоғида,
Оромдасиз Самарқанднинг қучоғида,
Беназир зот ҳукми Ҳақнинг ўлчовида,
Темур бобом, қуёшингиз порлайверар,
Чорлайверар, зафарларга чорлайверар.

Абдуҳамид ПАРДАЕВ

БУЮК ХАЛОСКОР СИЙМОСИ

САҲНА ТАЛҚИНИДА МУҲИТ МАСАЛАСИ

Профессионал театрда тарихий шеърий драмалар устида ишлаш, унинг тарихийлигини, бадиий эстетик хусусиятларини ва томошавийлигини таъминлаш учун асарда тасвирланган муҳитни саҳна воситалари ёрдамида акс эттириш масаласи катта аҳамиятга эга. Чунки муҳит тасвири даврни, қаҳрамон кураши ва шахсиятини тўғри тушунишга, тасаввурни кенгайтиришга ёрдам беради. Драма ва саҳнада муҳит тасвири деганда, қаҳрамон яшаётган ва кураш олиб бораётган макон, атрофидаги шарт-шароит, вазият ва ҳатто у нафас олган ҳавогача тушунилади. Ҳар қандай спектаклда, айниқса, тарихий мавзу талқинида буларга эътибор қилинмаса, қаҳрамон маконини йўқотиб қўйган шахсга ўхшаб қолади. Саҳнада муҳит тасвирини яратиш фақат муаллифу режиссёрга боғлиқ бўлмай, балки бу жараёнда қатнашувчи барча ижодкорларга, шу жумладан актёрларга ҳам боғлиқ улкан ижодий меҳнатдир.

Муҳит яратиш учун қаҳрамон билан бошқа барча персонажлар ансамблда яшашга ҳаракат қилар эканлар, актёрлар биринчи галда сўзга, диалог ва монологларга таяниб, уларнинг тез маъноларигача очишга интилиб иш кўрадилар. Драма шеърий бўлса, актёрларнинг масъулияти янада ошади.

Абдулла Ориповнинг беш саҳнадан иборат "Соҳибқирон" шеърий-драматик достони фалсафий мушоҳадаларга бой, кескин ва шиддатли тўқнашувларга асосланган бўлиб, асарда Амир Темур шахсияти, фаолияти ва мавқе-мақомига доир воқеалар ўз аксини топган. Муаллиф Соҳибқироннинг фаолиятини у яшаётган тарихий муҳитдан ажратмаган ҳолда тасвирлашга интилади. Амир Темур асар қаҳрамони сифатида ҳар бир саҳнада фаол қатнашади, турли характердаги шахслар билан мулоқотда бўлади.

Асарда тасвирланган тарихий муҳитни ва Соҳибқирон образини жонли акс эттиришга алоҳида эътибор берган режиссёр Олимжон Салимов рассом Бахтиёр Тўраев билан ҳамкорликда кенг қамровли мизансценалар яратишга ҳаракат қилганлар. Амир Темур билан Амир Ҳусайн ҳамда Йилдирим Боязид ўртасидаги кескин тўқнашувларда, яъни асарнинг биринчи ва учинчи саҳналарида тарих зиддиятлари, Соҳибқирон шахсиятининг улуғворлиги ёрқин акс эттирилади. Шу билан бирга, бешинчи саҳна — Амир Темур ва Яссавий руҳи (Дарвеш, Хизр) аро мунозара чуқур фалсафий мушоҳадаларга бойлиги билан кишини тўлқинлантиради.

Амир Темур ва Амир Ҳусайн ўртасидаги тўқнашув биринчи парда, биринчи кўринишда содир бўлади.

Мана шу муҳитни яратишда Амир Темур ролини ижро этган Ўзбекистон халқ артисти Теша Мўминов ва Амир Ҳусайн образидаги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Каримовларнинг интилишлари режиссёр кўзлаган мақсадни амалга оширишга катта ёрдам беради. Соҳибқирон Темур — Т.Мўминов қаршисида турган Ҳусайнни нафрат кўзи билан кузатади. Ҳусайннинг ҳақоратли сўзларидан аччиқланса ҳам, унинг гапини бўлмасдан диққат билан тинглайди. Темур Ҳусайннинг қалбида доимо ҳасад яшаб келганини болалигидан билади. У Темурга неча марта хиёнат қилиб, номардлигини аллақачон намоён қилган. Теша Мўминов партнёрининг лукмаларига жавоб қайтармаса-да, унинг кўз қарашларида, ички кечинмаларида муносабати ёрқин акс этади. Тўқнашув жараёнидаги матн қисқартирилганига қарамай, Т.Мўминов кенг планда ишлайди, яъни фактга баҳо беришда аниқ хатти-ҳаракат қилади. Босиқлиқ билан доно фикр юритади, кези келганда қаттиққўлликни кўрсатувчи жарангдор оҳанглардан фойдаланади. "Образ берилган муҳитдаги нутқий характерни топишда кўпроқ тарихий фактларга таянганман. Темурнинг қаддиқомати келишган, кишиларга муомаласи ёқимли, юмшоқ ва дўстона муносабатда бўлгани ҳақидаги тарихий маълумотларга кўп кўзим тушган. Шу билан бирга, унинг қаҳрғазаби ўта қаттиқлигини ёритган сатрларни ўқиганман. Шунга қараб шеърий матнларнинг қай ҳолатда қандай жаранглашига алоҳида эътибор берганман", деган эди Т.Мўминов суҳбатларининг бирида.

Дарҳақиқат, актёрнинг ўша муҳит учун нутқий характер топишдаги уринишлари осон кечган эмас. У тахтнинг орқасидан суғуриб олинган камон ўқи билан Ҳусайнга яқинлашар экан, "заҳарлидир?" дейди киноя тарзида. Ҳусайннинг эса сурбетларча "ҳа, тегса билардинг", деган қатъий жавоби Темурни шошилтирмайди, фақат аччиқ ҳақиқатни икки оғиз сўз билан ифодалайди, холос:

Қай бир фозил айтган экан:
Туз айниса гар
Уни нима тузатар деб,
Уҳ, аблаҳ, олчоқ.

Актёр Т.Мўминов сўзларни таъсирли ифода этади. Ҳис-туйғуларни шеърий оҳангларга мослаштиради. Унинг бу хатти-ҳаракатлари партнёрининг ҳаракатларига, қоларверса, тўқнашувнинг ривожланишига замин тайёрлайди.

Энди Амир Темурнинг Туркия (Рум) султони Йилдирим Боязид билан тўқнашувига келсак. Амир Темур — Т.Мўминов жанг кийимида аста-секин чодирдан чиқиб келади. Атрофни кузатади, чўкка тушиб, қулочларини ёйиб, ерни ўпади. Сўнгра Оллохдан мадад сўраб, фотиҳа қилади. Бу хатти-ҳаракатлар сўзсиз бажарилади. Бирдан ўзини кучга тўлгандай, руҳи тетиклашгандай ҳис қилади. Содиқ навкарларига масъулиятли вазифаларни юклайди, Оллоҳни тилга олиб шиддатли жангга киради.

Спектаклда жанг олдидан Соҳибқирон қўшинларни бир текис ҳаракат қилдириб, тўғри душман устига бостириб бориши ва ёв билан тўқнашгач, "Оллоҳу акбар!" дея жангга кириши ўша давр муҳитини беради. Режиссёр ва рассом жанг майдонини жуда ихчам кўринишларда тасвирлаганини алоҳида айтиб ўтиш керак. Жангчилар саҳнанинг орқа томонига қиялатиб ўрнатилган зинапоялар узра қурол-аслаҳаларни тутган ҳолда шовқин-сурон кўтаришиб жанг қиладилар. Улар зиналарга дам кўтарилади, дам пастга қараб ҳаракатланадилар. Ҳаракат чоғида ярадорлар ва ҳалок бўлганлар аниқ кўринади. Олдинги планда Амир Темур Аловуддин билан шатранж ўйнаб, жангнинг боришини кузатиб туради. Саҳнадаги бу кўринишда сохталик сезилмайди. Ниҳоят, жанг Амир Темурнинг ғалабаси билан тугайди.

Мағлуб Боязид — Эркин Комилов Темур ҳузурига олиб кирилади. Бу — энг кучли саҳналардан бири. Боязиднинг Амир Темур олдида асир ҳолида туриши оддий ҳолат эмас. Бу ҳолатни гавдалантиришда Э.Комилов ҳам, Т.Мўминов ҳам тажрибали, кўпқиррали актёр эканликларини исботладилар. Улар бир-бирларига гапиришга шошилмайдилар, ички диалоглар, кечинмалар ҳукм сурган сукут томошабиннинг диққатини янада тортади. Боязид Темурга жовдираб, бир маромда қараб турaверади. У ўзига қандай жазо қўлланишини тезроқ билгиси келади. Амир Темур эса Султонга қарамай, унинг асир ҳолатини тасаввурга сиғдиролмагандай ҳолатда. Уни кўргач, бирдан ҳолати ўзгаради:

Э, воҳ, бу не ҳол?
Унинг қўлин ечинг дарҳол,
Ахир, Шоҳ-ку!

Боязид — Э.Комилов ҳиссиётга берилмайди, Амир Темурдан кўзини узмай қараб турaверади. Соҳибқирон ўзининг оқсоқлиги ва Боязиднинг бир кўзи ожиз эканлигини кўриб, тақдир ўйини устидан қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборади. Шунда Боязид таҳқирланган ҳолатга тушиб, Амир Темурга қийшайиб қарайди. Бу кулгининг сабабини англаган томошабин ҳам унга қўшилиб гуруллаб кулиб юборади. Бу ҳолат Боязидга ёқмайди, масхараланган одамдек таъсирланиб кетади ва асабий ҳолатда важоҳат билан Амир Темурни кулгисидан тўхтатмоқчи бўлади:

Масхара қилма!
Ботирларнинг иши эмас ёттанни топташ.

Э.Комилов Боязиднинг ҳолатини жуда таъсирчан яратган. Унинг ички туғёнлари, овозидаги титроқ оҳангларидан мақсадини тушуниш қийин эмас.

Тарихий муҳит яратишда ҳар томонлама пухта ишланган охирги кўриниш Амир Темурнинг Яссавий билан учрашадиган саҳнасидир. Саҳна тўрида тасвирланган сағаналар, мақбаралар, қоронғилик, қўрқинчли ва ваҳимали изғирин товуши томошабинни муайян муҳитга олиб киради. Темур ҳаёт жумбоқларини ечолмай қийналади. У умрининг охиригача Аҳмад Яссавий фалсафасига амал қилгани учун бу жумбоқларни ул зот билан ечгиси келарди. Ниҳоят, унга Яссавий аввал Дарвеш, кейин Хизр, кейин Яссавийнинг ўзи бўлиб кўринади. Бу образларни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ғ.Ҳожиев катта маҳорат билан ижро этган. Т.Мўминов саҳнадаги муҳитга мос хатти-ҳаракатлар топган. Иситма аралаш алаҳсираш, борган сари касаллик хуружининг авж олиши, ҳансираб чуқур нафас олиши, қийналиб юриши ва изтироб чекиши актёрнинг хатти-ҳаракатларида акс этган.

Ғ.Ҳожиевнинг юриш-туриши, кўзларининг ифодали ва маъноли боқиши, донишмандларга хос, мусиқий оҳангларга бой нутқи нафақат Амир Темурни, балки томошабинни ҳам ўйга толдиради, мулоҳаза қилишга ундайди.

Актёр муҳит яратишда учта асосий компонентга жиддий эътибор бериши лозим. Тасаввур, ички ҳаракат йўналиши ва эмоционал хатти-ҳаракат. Шу билан бирга ҳаётий тажриба, кузатувчанлик, ҳиссий бойлик, жисмоний сезгирлик, кучли хотира ва билим кабилар ҳал қилувчи аҳамиятга эга. "Соҳибқирон" спектаклининг ана шу жиҳатлари муваффақиятли ҳал этилгани учун томошабин хотирасида муҳрланиб қолди. Айниқса, Т.Мўминов, Э.Комилов, Ғ.Ҳожиевларда ўзига хос ижро услубининг шаклланганлиги улуғ актёрларимиз ижро услубларининг давом этаётганидан далолатдир.

Гўзал ХОЛИҚУЛОВА

ОБИДЖОН ТОШКЕНБОЕВ

Ўзбек цирк санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Тошкенбоев 2004 йил 31 март куни 89 ёшда тўсатдан вафот этди.

Обиджон Тошкенбоев 1915 йили ўзбек дорбозлари сулоласининг асосчиси, Ўзбекистон халқ артисти Тошкенбой Эгамбердиев оиласида дунёга келди. 10 ёшидан акробатика, ҳаво гимнастикаси каби цирк жанрлари билан шуғуллана бошлади, отаси ва акалари билан хусусий цирклар ҳамда шаҳар майдонларида ўтадиган турли байрам тадбирлари ва сайлларда қатнашадиган бўлди.

1930 йилдан эътиборан О.Тошкенбоев Ўзбек давлат мусиқа, эстрада ва цирк бирлашмасида ишлади. 1935 йилдан "Дорбозлар" аттракциони таркибида жуда кўп мамлакатларда сафарларда бўлиб, дордаги ҳайратли трюклари билан томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

1942 йилдан Ўзбек цирк жамоасида фаолият кўрсатди, 1950 йили эса "Дорбозлар" аттракционига раҳбар этиб тайинланди. У мазкур гуруҳ билан ўзбек циркининг кўп асрлик анъаналарини ривожлантириб, дорбозлик санъатини бойитиш, уни замонавий цирк ютуқлари билан мустаҳкамлашишга катта ҳисса қўшди. Фарзандлари, неваралари ва шогирдлари билан биргаликда Европа, Осиё ҳамда Лотин Америкаси мамлакатларида миллий ўзбек цирк санъатини муносиб намойиш этди.

1962 йилдан масхарабоз ва комик дорбоз сифатида фаолият кўрсатиб, замонавий ўзбек масхарабозлигининг энг яхши намуналарини яратди.

1977-1987 йиллар давомида Тошкент циркининг бадиий раҳбари бўлиб ишлади. Иш фаолияти давомида ўз тажрибаларини ёш артистларга ўргатди, кўплаб шогирдлар етиштирди.

Ўзбек цирк санъатининг моҳир устаси ва ажойиб инсон Обиджон Тошкенбоевнинг хотираси қалбимизда яшайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

СОҲИБҚИРОН ИШОНЧИНИ ҚОЗОНГАН САРКАРДАЛАР

Боши биринчи бетда.

Амир Темурнинг ҳарбий сафарлари синчиклаб таҳлил этилса, уларда навқирон саркардаларнинг ўзларига ишониб топширилган қисм, бўлинмаларга тажрибали, ададсиз жангу жадалларнинг иштирокчиси бўлган эътиборли бекларнинг ўзига хос назорати остида кўмондонлик қилганлигини пайқаш мумкин. Масалан, Соҳибқироннинг Шеروزда турганлигидан фойдаланган Тўхтамишхон 1388 йили Самарқанд ҳудудига бостириб киради. Бобоси йўқлигида Моваро‘ннаҳр чегараларини асраш масъулияти зиммасига топширилган йигирма ёшли Умаршайх мирзо зудлик билан черикка бош бўлиб ёвга қарши сафарга отланган. Унга Амир Темурнинг яқин сафдоши, ҳисобсиз савашларда суяги қотган амир Аббос баҳодир ва бошқа нуфузли беклар ҳамкорлик қилади.

1383 йили сеистонликлар билан бўлган тўқнашувда ўн етти ёшли Амираншоҳ мирзо ўнг қўлнинг манглай (авангард)идан жой эгаллаган, улуғ амирлардан бир гуруҳи, жумладан, амир Ҳожи Сайфуддин, амир Оқбўға унинг хизматида бўлганлар.

Маълумки, Соҳибқироннинг саркардалик салоҳияти унинг бир неча қатла оз ададли аскар билан кўпсонли ғаним лашкарига қарши жанг олиб борган вазиятларда ҳам рўй-рост намоён бўлган. Қурьони Каримдаги "Қанчадан-қанча кичкина гуруҳлар Оллоҳнинг изни билан катта гуруҳлар устидан ғалаба қилган"лиги ҳақидаги оятни яхши билан Амир Темур аксар ҳолларда миқдор жиҳатидан бир неча бор зиёд бўлган ёвга рўбару келиб, ўзига хос лашкарбошилик зеҳни кўмагида зафарлар қўлган. Соҳибқироннинг мана шу жиҳатини унинг лашкарбошилари фаолиятида ҳам қайта-қайта кузатиш мумкин.

Ҳиндистон юриши вақтида, Жаун дарёси бўйида Севинчак баҳодир, Саййидхожа ва амир Мубашширнинг уч юз кишилик отлиқ аскарлари билан Маллухоннинг тўрт минг суворий, беш минг пиёда, йигирма етти жанговар филга қарши мардонавор жангга кириб, ҳиндларни Деҳли томон чекинишга мажбур этганлигини ёки Умаршайх мирзонинг 1389 йили олтмиш навкари билан саккиз юз кишилик ғаним лашкарларини тор-мор қилганини шулар жумласидан, деб ҳисобласа бўлади.

Соҳибқирон лашкарбошилари матонати, жасурлиги, душмандан асло чўчимаслиги, ўта оғир вазиятларда ҳам аскарларни ўз кетидан эргаштириш, улар қалбида ғалабага бўлган ишончни авж олдириш салоҳиятига эга эди. 1372 йили Хоразмга қилинган дастлабки сафарида Кат шаҳрини ишғол этиш чоғида амир Шайх Али баҳодирнинг биринчи бўлиб қалъа фаслига чиқиши ёхуд Муҳаммад Султон мирзонинг 1393 йили Шуштар қалъасини эгаллаш пайтида ҳаммадан аввал ҳисор устига чиқиб, туғ ҳамда байроқларни ўрнатиши сингари ҳисобсиз ҳаракатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Саркардаларнинг жасорати, қаҳрамонлиги, довюраклиги, ҳарбий тактик амалиётларни моҳирона қўллаши Амир Темур эътиборидан четда қолмас, аксинча, иноятмарҳаматлар кўрсатилар, муносиб даражаю унвонлар билан шарафланар, турфа тортиғу суюрғоллар билан сийланарди.

1388 йили Кўча Малик Мўғулистон ҳукмдорларидан Инкотўра ортидан қувлаб бориб, ўн уч навкари билан Хўжанд яқинидаги Жийжол мавзеида ёвнинг уч юз жангчисига шабихун қилиб, Хўжанд ва унинг теварак-атрофидан олинган асирларни душман тутқунидан қутқарган, уларга йўл озиғи бериб, юртларига жўнатгани боис Соҳибқирон унга суюрғол тайин этади ва тархонлик мансабини бериш ҳақида фармон чиқаради. 1391 йили Дашти Қипчоқ қўшини билан бўлган даҳшатли муҳорабада кимдаким мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатган бўлса, Амир Темур ўша шахсга тархонлик нишонини беради ҳамда уларни ўз ҳузурига киришдан ҳеч ким ман қилмасин, уларни ва фарзандларини тўқкиз марта гуноҳ содир этмагунча сўроқ қилинмасин, отларидан улов учун олинмасин, барча фавқулодда йиғинлардан озод этилсин, деб ҳукм чиқаради. Амир Шоҳмаликнинг мартабасини улуғлаб, унга парвоначи мансабининг хос муҳрини топширади. Унинг яқинлари ва қариндошларини ҳам ўз иноят ва марҳаматига мушарраф этиб, содиқ саркардасига вазирлик тўнини кийгизади.

Амир Темур армиясида лашкарбошиларнинг жанг чоғида бир ёқадан бош чиқариб ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилишлари, қийин, хавфли ҳолатларда зудликда кўмакка келишлари аъло даражада йўлга қўйилганини кузатамиз. 1398 йилнинг 2 ноябрида Батнайр қалъаси аҳоласидан солиқ молини ундириш мақсадида жўнатилган амир Шайх Нуруддин ва амир Аллоҳдан бошлиқ жангчилар гуруҳи ғаблар қўршовига тушиб қолади. Жангда анчагина киши ярадор бўлади. Амир Шайх Нуруддинни душман ўртага олиб, асирга туширишига оз фурсат қолганда Феруз Сеистоний ва унинг навкарлари ғаблар устига шиба ўқи ёғдириб, амир Шайх Нуруддинни ҳалокатдан қутқариб қоладилар. Соҳибқирон Феруз Сеистонийни ушбу жасорати учун муносиб тақдирлайди.

Амир Темур ўз саркардаларини ўта қадрлаган ва эъзозлаган, ҳурматини жойига қўйган. Уларнинг ҳаёти хавф-хатар остида қолганда бор куч-қувватини, қобилиятини, тажрибасини уларни бартараф этиш учун сарфлаган. Мисрликлар қўлида банди бўлган амир Отламишни қутқариш йўлида Соҳибқирон томонидан олиб борилган ҳам дипломатик, ҳам ҳарбий саъй-ҳаракатлар фикримизни далиллашда яққол мисол бўлади.

Амир Темурнинг шахсий раҳнамолиги остида вояга етган, ўрта асрнинг энг қудратли ва интизомли армияларидан бирини барпо қилишда, жаҳоншумул нусратларни қўлга киритишда унга сафдош бўлган саркардаларнинг ҳаёт йўлини асл манбалар асосида чуқур ўрганиш, темурий саркардалар галереясини яратиш Истиқлол мафкураси қўяётган талабларга муайян даражада жавоб беради.

Ҳамидулла ДАДАБОЕВ

ҲАЁТ НАҚШИ

КИТОБИНГИЗНИ ЎҚИДИМ

Бойчечак баҳор келса очилади,
Яхшиларнинг бошига сочилади...
Бойчечакни авайлаб кўзга суртса,
Юзга кирган кампир ҳам ёшаради...
Ариқчадан ҳатлаган қўйнинг изи,
Машраби белбоғ тикар уйнинг қизи.

Қаранг, халқимиз орасида асрлардан асрларга ўтиб, яшаб келаётган қандай ажойиб термалар бор. Улар худди қушиқдек енгил ўқилади, оҳанги ўзи билан бирга туғилади. Илгаридан бундай термалар юртимизда баҳор фаслида, Наврўз байрамларида йигит-қизлар жўрлигида айтиб келинган. Фақат байрамларда эмас, бошқа турли мавсумий тадбирларда ҳам айтиладиган қўшиқлар бор. Шу билан бирга, ҳар бир тадбирнинг ўзига хос урф-маросимлари ҳам бор. Улар бугунги кунда юртимизда ўтказиб келинаётган маданий тадбирларнинг таркибий қисмига айланган. Умуман, маданий тадбирлар нима, улар қандай ўтказилади, мақсади ва вазифалари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлишни хоҳласангиз, Усмон Қорабоевнинг "Маданий тадбирлар" (Тошкент, 2003 йил) деб номланган ўқув қўлланмаси билан танишиб чиқинг.

Китоб билан танишар экансиз, унда энг қадимги аждодларимиз ўтказган маросимлардан тортиб, то бугунги кунда уюштирилаётган тадбирларгача ўз ифодасини топганини кўрасиз.

Қадимий одамларнинг тушунчалари уларнинг одат ва маросимларида (чунончи, "ёмғир тилаш", "шамол чақириш", "қуёшга сиғиниш", "қурбонлик қилиш") ўз аксини топган. Улар Марказий Осиё халқлари маданияти ва маънавиятининг шаклланишида муҳим омил бўлган. Шундай қилиб, ибтидоий даврда илк маданий тадбирларнинг турфа шакллари — "Овчилик ўйинлари", "Зоафагик байрамлар", "Магик маросимлар", "Имитация тадбирлари" ва бошқалар пайдо бўлган.

Марказий Осиё халқлари анъаналарининг шаклланишида зардуштийлик муҳим рол ўйнади. Уларнинг табиат, турмуш ва меҳнат жараёни билан боғлиқ анъана, маросим ва байрамлар тизими (Наврўз, Меҳржон, Сада, Ангом кабилар)да эзгулик, меҳрибонлик, мурувватлилик, қадр-қиммат, инсонийлик каби маънавий фазилатлар ўз аксини топа бошлади.

VIII асрдан бошлаб ислом дини билан бирга мусулмон одатлари, диний байрам ва маросимлар — "Рўза ҳайит", "Қурбон ҳайит", "Мавлуд", "Меърож", "Ашурий", "Лайлатул қадр" кабилар жорий қилинди. Уларнинг мазмунига ҳам инсонийлик, олижаноблик, сахийлик, раҳмдиллик, меҳр-мурувват ғоялари сингиб кетган.

Ўрта Осиё халқлари ҳар фаслга мос, яъни эрта баҳорда (Наврўз, Гул сайли, Шоҳ мойлар), ёзда — ҳосилни йиғиштиришдан олдин (Сув сайли, Чой момо, Шамол чақириш), кузда — ҳосил йиғиб олинганидан сўнг (Хирмон тўйи, Қовун сайли, Узум сайли) ва қишда — чорвадор-деҳқонларда бўш вақт кўпайганида (Қорхат, Ясан-тусан, Гап-гаштак, Қурултой) мавсумий маросим ва байрамлар ўтказганлар. Шунингдек, ўрта асрларга хос маданий-маърифий тадбирлар — "Мунозара", "Мушоира", "Баҳрибайт", "Айтишув", "Баҳслашув", "Китобхонлик", "Достонхонлик", "Эртакхонлик", "Қасидахонлик" ва ҳоказолар кенг тарқалган.

Ўзбек оилаларида чақалоқ туғилгандан, то у улғайиб, янги оила қурғунга қадар содир бўладиган муҳим воқеаларни қайд қиладиган маросимлар тизими вужудга келган. Уларнинг ҳаммаси одамлар ҳаётининг безаги ва нақши, гўзал мазмун-моҳияти сифатида ҳам азалдан қадр топиб келган. Китобда бу ҳақда анча батафсил маълумотлар бор.



Мустақиллик туфайли ўзбек байрамлари тарихида янги саҳифа очилди. Халқимизнинг тарихий мероси бўлган анъаналар ("Наврўз", "Рўза ҳайит" ва "Қурбон ҳайит"лар) тикланди, истиқлолнинг янги байрамлари ("Мустақиллик куни", "Конституция куни", "Ўқитувчилар ва мураббийлар куни", "Хотира ва қадрлаш куни" кабилар) жорий этилди, умуминсоний қадриятларни тарғиб қилувчи байрамлар ("Янги йил байрами", "Хотин-қизлар байрами" кабилар) сақлаб қолинди, жаҳон маданиятига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз таваллудларини нишонлаш халқимизнинг энг мўътабар анъаналарига айланди, халқаро анжуманлар ҳам халқимизнинг байрамларига айланиб кетмоқда.

Хуллас, юқорида кўрсатиб ўтилган тадбирларнинг бари ҳақида китобда атрофлича фикр юритилади.

"Маданий хордиқ назарияси ва амалиёти" фани учун яратилган "Маданий тадбирлар" ўқув қўлланмасидан барча ўрта махсус билим юртлари, жумладан, маданият, санъат коллежи ва лицейларининг ўқитувчи ва талабалари, маданият ходимлари, турли тадбирларнинг ташкилотчилари кенг фойдаланишлари мумкин.

Г.ФАЙЗИЕВА

ЮЗМА-ЮЗ

Жавлон УМАРБЕКОВ:

САНЪАТ ҲАМ

— Жавлон ака, буюк шоиримиз Алишер Навоий сиймосини яратган рассомларни яхши биласиз. Эҳтимол, иш жараёнларидан ҳам хабардорсиз. Сизнингча, қайси рассомнинг иши Навоий қиёфасига яқин туради?

— Биласизми, ҳар бир ижодкор аниқ бир шахснинг портретини ишлаётганида сиймо ўхшашлигидан ташқари, муҳим характерли хусусиятларни беришга, ўз тафаккури, дунёқарашидан келиб чиқиб, образга фалсафий нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилади. Тарихий шахслар, хусусан, Алишер Навоийдек тирилигида миниатюра шаклида ишланган ягона сурати бизгача етиб келган шахслар ҳақида гап борганда эса, масала бироз мураккаблашади. Бундай пайтда ёзма манбалардан ҳам фойдаланиш зарурати сезилади. Ҳар бир ижодкор ўз дунёқараши, ижод услуби, характеридан келиб чиқиб асар яратади. Ижод — юрак кўри, қалб амри. Шунинг учун "мана бу рассомнинг асари яхши, буниси ёмон", дейиш ножоиз. Ҳар бир одам суратлардан ўзига кераклисини танлаб олади.

Мен, масалан, Зинаида Кайдалованинг энциклопедия учун чизган Навоий суратини, Кайдалов ва академик Абдулҳақ Абдуллаевлар ишлаган портретларни алоҳида таъкидлаб ўтишни истардим. Айниқса, Абдулҳақ аканинг портрет устидаги иш жараёнларини кўп кузатганман. У киши деярли барча асарларини бирор киши иштирокида, яъни фикрини сўраган ҳолда ишлардилар. Навоий портретини чизаётганларида ёнларида турдим. Ажойиб одатлари бор эди, дабдурустдан: "Сенга нимаси ёқмаяпти?" деб сўраб қолардилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди. Мен: "Навоий сал нуронийроқ бўлиб қолибди", дедим. "Жуда тўғри топдинг, — дедилар устоз, — қайсидир жиҳатларини ўзимга ўхшатишга ҳаракат қилдим". Улуғ мутафаккир шоир нуроний, давлат арбоби сифатида талқин этилган ўша портретлари ҳозир пойтахтимиздаги Адабиёт музейида сақланади.

Абдулҳақ аканинг бир одатлари бор эди: ҳар бир ишининг орқасига мазкур асар устида қанча сеанс ишлаганларини ёзиб қўярдилар. Яхши одатларидан яна бири шу эдики, агар ижодкор портретини чизаётган бўлсалар, унинг асарларини мутолаа қилиб, ўзларига маъқул бўлган, яхши деб ҳисоблаган сатрларини қўлда кўчириб ёзиб, деворга илиб қўярдилар. Навоий портретини ишлаётганда шоир ғазалларидан энг яхши сатрларни ёзиб, деворнинг турли жойларига илиб ташлагандилар. Назаримда, бу ҳам образ ҳаққонийлиги йўлидаги изланишлардан эди. Эҳтимол, мана шу

каби оддий бир детал ҳам устозга илҳом бағишловчи қудратли манба бўлгандир.

— Рассомнинг катта асарлар яратиши учун баъзан шеърият ҳам туртки бўларкан-да.

— Нафақат шеърият, насрий асарлар ҳам. Айниқса, улар портрети ишланаётган шахснинг ижод маҳсули бўлса. Баъзан ўша одам ҳақида ишланган филм ёки спектакл ҳам рассом асарининг нимасинидир бойитишга хизмат қилиши мумкин. Шахсан ўзим Навоийга мурожаат қилганимда, бу улуғ зот ҳақидаги саҳна асарларини кўз олдимга келтирганман. Машҳур санъаткоримиз Олим Хўжаев яратган Навоий улуғсифат, чинакам давлат арбоби, жиддий шахс. Бу талқин ҳам ўз йўлида яхши. Лекин мен кўпроқ устоз Раззоқ Ҳамроевнинг "Навоий Астрободда" спектаклида яратган Навоий сиймосидан илҳом олганман. Раззоқ аканинг Навоийсида қандайдир шоирона бир дилбарлик бор эди. Мен буюк зотнинг туркий назмда беназир қалам тебратганини назарда тутиб, асарим қаҳрамонига ҳақиқий ўзбекона қиёфа бағишлашга — юзида мулойимлик, халқпарварликни ифодалашга, шоирона штрихлар беришга ҳаракат қилдим. Айниқса, кўзларига жиддий эътибор бердим. Чунки портретда кўз муҳим рол ўйнайди. Кўзга қараб шахснинг миллатини, характерини аниқласа бўлади. Лаб ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Айтайлик, ўзбекона кўз жуда ҳам қисиқ ёки жуда ҳам очиқ бўлмаслиги керак. Ҳаддан ташқари очиқ кўзлар европача қиёфа касб этади.

— Айтинг-чи, Алишер Навоий образига илк бор қачон мурожаат қилгансиз?

— Раҳматли Чингиз ака Аҳмаров ёш рассомларни ишга солишни, йўналтиришни билар эдилар. Оддий гаплар билан яратилажак асарнинг асосий хусусиятларини тушунтириб қўя қолардилар.

Москвада ўқиб юрганимда, бир сафар таътилга келиб, Чингиз аканинг ҳузурига бордим. Шунда устоз: "Бўш вақтингни бекор ўтказма, суратлар чиз. Мана, Навоийнинг болалиги ҳақида яхши бир иш қилиш мумкин", — дедилар. "Ахир, Навоийнинг болаликдаги бирорта сурати бўлмаса, — дедим мен, — қандай чизаман?" Шунда устоз: "Улуғ шоир ўз бобомиз-ку. Ўзингнинг, Баҳодирнинг (Жалолов демоқчилар) болаликдаги қиёфаларингни эсла, ул зотнинг болалиги ҳақида ўқиганларингни ишга сол", дедилар. Шу тариқа илк йирик асарим — "Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро болаликда" дунёга келди. Ҳозир у давлат Санъат музейида сақланади.

Биласизми, Чингиз акага менинг портретларга салла ўрашдаги чизиш услубим жуда ёқарди. Шунинг учун Беҳзод ва унинг шогирдлари суратини чизиб беришимни, бу асарни устахоналарига қўйиб, ёшларга кўрсатмоқчи эканликларини айтдилар. "Беҳзод ва шогирдлари" асарим ҳозир Адабиёт музейида сақланади. Кейинчалик домла Ҳамид Сулаймон буюртмалари билан "Машрабнинг Балх шаҳрида қатл этилиши" номли суратимни ишладим. Домла менга шоирнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳикоя қилувчи бир китоб бердилар. Уни ўқиб, Машрабнинг фожиавий ҳаёти ва тақдиридан ниҳоятда таъсирландим, шеърларини ўқиб чиқдим. Қандай зўр аждодларимиз бўлган-а. Шеърининг ҳар бир сатри гавҳарга тенг.

— Жавлон ака, буюк аждодларимизга ҳурматингиз нақадар баландлигини асарларингизнинг ўзи айтиб турибди. Ал-Хоразмий, Ибн Сино каби алломаларимизга бағишланган ишлар ўз-ўзидан юзага келмаган бўлса керак?

— Мактабда ўқиб юрганимдаёқ мени кўпгина саволлар қийнарди: нега Алишер Навоийдек буюк шоиримизнинг сурати ҳам, шеърлари ҳам Пушкиндан кейин юради? Нима учун Спитамен, Алпомиш каби халқ қаҳрамонларининг қиёфаларини яратишга, уларни тарғиб қилишга яхши эътибор берилмайди? Вақти келиб, албатта улар сиймосини асарларимда акс эттиришни ният қилиб қўйганман. Яхши биласиз, "Мен — инсонман" асарим Ал-Хоразмийга, "Тафаккурли инсон" эса Ибн Синога бағишланган. Худо хоҳласа, Алишер Навоий ҳақида эпик асар яратиш ниятим бор. Эҳтимол, Алпомиш ҳақида ҳам эпик полотно яратарман. Чунки бу халқ қаҳрамони қиёфаси, назаримда, ҳали маромига етмади. Шу ўринда бир гапни айтмоқчиман. Ҳозир аксарият рассомларимиз ўқишдан, изланишдан эринишадими, билмадим. Бирор миниатюрани олишади-да, ўшани катта қилиб ишлаб, эпик полотно сифатида тақдим этаверишади. Мана, Чингиз акани олинг. У кишининг миниатюра жанрини ижодий давом эттиришдаги хизмати шундаки, ҳар бир асарида улкан тафаккур, янгича ёндашув яққол кўриниб туради.

— Гап бевосита рассом шахсига келиб тақалди. Айтинг-чи, рассом қандай одам бўлиши керак?

— Ҳар қандай қизиқиши бор одамни расм чизишга ўргатиш мумкин, лекин фикрлашга ўргатиб бўлмайди. Ҳақиқий рассом бўламан деган, профессионалликка интилган одам, биринчи навбатда, китоб ўқиши керак. Шогирдларимга ҳам ҳамиша мутолаа қилишни маслаҳат бераман. Кейин одамлар билан кўп суҳбатлашиш, материал йиға билиш керак.

Рассомлик кўпроқ композиторликка ўхшаб кетади. Сабаби, композитор ўз ҳис-туйғуларини оҳанглар орқали, рассом эса ранглар орқали ифодалайди. Сўз билан ифодалаб бўлмайдиган ҳис-туйғулар оҳангга, рангга кўчади. Сўзга сиғмай қолган туйғуларни-да сўз билан ифодалай олган одамгина ҳақиқий шоир бўлади.

Маъруф ЖАЛИЛ

УМРИНГ БОҒИН БЕЗАБ БАҲОР, ЁЗ КЕЛДИ



НАСИҲАТ

Парвозга шайланган тарлоним,
Карвоним, умидим, армоним,
Зийрак бўл ҳамиша, ҳушёр бўл,
Огоҳ бўл ҳамиша, бедор бўл.

Юрагинг шодликка тўлса ҳам,
Аламдан минг пора бўлса ҳам,
Дуч келган одамга ёрилма,
Хор қилма ўзингни, хор қилма.

Сабр-ла жиловла қаҳрингни,
Ожизга сочмасдан заҳрингни,
Фирибгар фитнасин барбод қил,
Вайрона дил кўрсанг, обод қил.

Йўлда кўп синоат кўрарсан,
Кимлардан маъносин сўрарсан?
Чархпалак дунёнинг сири мўл,
Тўрт томон сирли йўл, сирли йўл.

Зўр денгиз йўлида сузарсан,
Ё фазо бағрида кезарсан,
Унда йўл кўрсаткич — нишон йўқ,
Хатар кўп, меҳрибон бир жон йўқ.

Парвозга шайланган гарлоним,
Карвоним, умидим, армоним,
Зийрак бўл ҳамиша, ҳушёр бўл,
Огоҳ бўл ҳамиша, бедор бўл.

ҲИММАТ

Қалбидан нур ёғилади,
Ҳиммат қилган одамнинг.

Имони бут — соғ бўлади,
Ўзин билган одамнинг.

Йўли доим очиқ, равон,
Ривож бор ҳар ишида.
Кундуз куни қушдай учар,
Бўстон кезар тушида.

Ўз нафсининг қули эмас,
Ҳокимидир бу одам.
Яхшиликнинг суратимас,
Ботини зўр бу одам.

Бошқа бир зот мол йиғади,
Боқмай орқа-олдига.
Халқумига фил сиғади,
Ҳиммат сиғмас қалбига.

"Садақа-радди бало" деб,
Тез-тез айтиб боради.
Гар бировга ҳадя берса,
Ҳаром қилиб юради.

ҚОРАДАРЁ ТЎҚАЙЗОРИ

Қорадарё тўқайзори ёдимда бор,
Ёдимда бор болалигим кезган диёр.
Қув буталар бир-бирига узатиб қўл,
Олмазорга ўтай десак, бермасди йўл.
Олма, гилос, ўрик, узум ҳил-ҳил пишиб,
Гилам бўлиб ётар эди, ерга тушиб.
Қашқалдоғу, тулки, жайра яйрар эди,
Қирғовуллар, беданалар сайрар эди.
Наъматаклар гул қўтариб оқу қизил,
Хуш бўй сочиб турганидан яйрарди дил.
Нуқра баргли жийда ўсса тўлиб-тошиб,
Дўланалар чорлар эди жарлик ошиб.
Қамиш босган жарликлардан ўттан замон,
Қўрқув билан боқар эдик, тўхтаб ҳарён.
Чунки бу ер жин, ажина макони деб,
Қўрқиттанди биров бизни ваҳма айтиб.
Аммо айтар бўлсам агар гап ростини,
Учратмадим на жин, на бир алвастини.
Аммо бир кун ҳайратимнинг учиб ранги,
Кўрган эдим, Кирпи билан Илон жангин.
Болалигим ўтиб кетди. Эртакдек, оҳ...
Қариганда энди уни эслайман гоҳ.

ТЎРТЛИКЛАР

Журъатсиз, ҳимматсиз эрни эр дема,
Ломакон, беимкон ерни ер дема,
Шеър гўзалдир турфа санъатлар билан,
Санъат қўлланмаган шеърни шеър дема.

* * *

Умринг боғин безаб баҳор, ёз келди,
Қўллар сувга тўлиб ўрдак, ғоз келди,
Ҳеч қачон бўлмаган бир ҳол юз бериб,
Тилакларинг даврон билан мос келди.

* * *

Йўлим унмас, чарчадими тулпорим,
Хабарсизми бу аҳволдан дилдорим,
Сенга айтмай, кимга айтай дардимни,
Сендан ўзга суянчим йўқ Диёрим.

ТЕМУРИЙ ШАВКАТ СИРИ

ёхуд миллатимиз ҳарбий салоҳияти хусусида

Биз жаҳонга Амир Темурдай саркардани берган миллатмиз. Бу орқали дунёга ҳарбий санъатни ўргатганимиз ҳам рост. Бинобарин, Амир Темур ҳақида сўзламоқ аскарлик ҳақида сўзламоқдир. Аскарлик ҳақида сўзламоқ эса, қайсидир маънода, Амир Темурга ҳам алоқадор.

"Таржимон" газетасини варақлаётиб, 1909 йилда Бокуда чиқиб турган "Тараққий" газетасидан кўчириб босилган бир мақола диққатимни тортди. Унинг муаллифи 1906-1907 йилларда шуҳрат қозонган "Фуюзот" (фуюзот — файзнинг кўплиги. Қавс ичидаги изоҳлар мақола муаллифига тегишли — таҳририят) журналининг муҳаррири Алибек Ҳусайнзода (1864-1940) эди. Мақола тўла олинмаган — парча, аскарлик ҳақида. Бу пайтлари чор ҳукумати 1905-1906 йилларда хиёл бўшатган жиловини яна қўлга ола бошлаган эди. Тобеъ миллатлар тарихи, айниқса, уларни улуғлайдиган материаллар жуда оғир кўчарди. Мақола, эҳтимол, шунинг учун қисқартириб олингандир. Майли, гап ҳозир бу ҳақда эмас.

Иккинчидан, муаллиф туркий халқлар тарихи ҳақида сўз очганда, XX аср бошида кенг тарқалган фикрга суяниб, Чингизхон ва унинг авлодларини ҳам туркий халқлар сирасига киритади (дарвоқе, машҳур Аҳмад Заки Валидийнинг "Чингизхон туркдур" деган рисоласи ҳам бор. Марквартда турклар билан мўғулларнинг келиб чиқиши бирлиги ҳақида бутун бошли бир назария мавжуд экан, ҳозирда ҳам бу хил фикрлар туркологларнинг халқаро йиғинларида тез-тез қулоққа чалиниб туради), гап бу ҳақда ҳам эмас.

Гап, биринчидан, тарихни ўрганишда муаллифнинг тил унсурларини ҳам ёрдамга чақирганлигида.

1996 йилда бўлса керак, Хумбольдт университетидан профессор И.Балдауф ҳамкорлик мақсади билан мамлакатимизнинг тарих-филология йўналишидаги илмий муассасаларида олиб борилаётган тадқиқотларни ўргангани келди. Учрашувлардан бирида тарихни ўрганиш манбалари устида гап кетди. Маълум бўлишича, тарих фақат конкрет факт ва ашёвий далиллар эмас, фолклор материаллари ёрдамида ҳам ўрганилар экан. Шу жумладан, тил ҳам алоҳида мақомга эга. Дарҳақиқат, сўз оламига саёҳат тарихга саёҳатдир. Тарихгина эмас, миллатнинг урф-удуми, турмуш тарзини, феълисажияси, руҳини англамоқ воситаларидан ҳамдир.

Масалан, Тўмарис афсонаси бизга "тарих отаси" Ҳеродот орқали етиб келган. Унинг ўтганига 2500 йил бўлди. "Маълум бўлишича, унда "Тўмарис" эмас, "Темирида" экан. Сўнгроқ ўзгаришга учраган — юнонларнинг "ис"и қўшилган. Сўзнинг асли «темир»дан. Бундай қараш илмда бор. Заки Валидий буни қадим Илоқ темир конлари ва ҳиндларнинг "Шимолдаги темирчи қўшнилар" ҳақидаги ривоятлари билан далиллаган ҳам эди. Қолаверса, бу номдан машҳурроқ ва юракка яқинроқ яна қандай ном бор! Ёки "Олмалиқ"ни олинг. "Ол" — қизил, "балиқ" — шаҳар. Буни Маҳмуд Кошғарий 930 йил олдин айтган эди (Пекиннинг қадимги номи Хонбалиқ — хон шаҳри; Муқимийнинг "Саёҳатнома"сида Бўрбалиқ атамаси бор). Демак, Олмалиқ қизил шаҳар дегани. Олмаликдан мис, олтин қазиб чиқарилади. Бинобарин, халқимиз уни минг йиллардан буён биларди ва фойдаланиб келарди. Навоийнинг Фарҳодини эслайсизми? Қароқчилар ҳужум қилганларида нафта тўлдирилган қуроралар ирғитиб, душман кемаларини ёндириб юборади ва бегуноҳ йўловчилар ҳаётини сақлаб қолади. Қуроралар ўша давр гранаталари эди... Буюк адиб бир ўринда ёзган экан:

Бода ҳажридин оқармиш кўзларим, эй пири дайр,
Синдуруб май шишасидин, айлагил ойнак манга.

Устоз Мақсуд Шайхзода шунга суяниб, хулоса чиқаради: демак, XV асрда кўзойнак бўлган; мамлакатимизда тиббиёт ва шишасозлик шу қадар ривож топган. Хуллас, тарихни ўрганишнинг воситалари кўп.

Иккинчи тўхталмоқчи бўлган нарсамиз — мақоладаги ўзликни англаш ва ғурур туйғуси, миллатимизнинг асрлар давомида қайрилмас қаноти бўлиб келган жанговарлигини дил-дилдан ҳис этиши.

Николай II нинг 1916 йил 25 июн фармони эсингиздадир. Туркистонликларни урушга эмас, уруш орқасидаги "мудофаа иншоотлари ва ҳарбий алоқа йўллари қуриш учун олиб бориладиган ишларга" ва шу билан боғлиқ "ҳар қандай ишларга жалб этиш", халқ тили билан айтганда, мардикорликка олиш ҳақида кўрсатма берилади. Воқеалар қатнашчиси Л.Азиззоданинг қайд этишича, Тошкент қўзғолонининг шиорларидан бири "Аскар берамиз, қора ишчи бермаймиз!" деган аниқ мазмунда бўлган экан. Чунки бу миллат учун ҳақорат эди. Чиндан ҳам асрлар давомида аскар бўлиб келган, сифатлари "турктоз" (от қўйиб, тўсатдан босиш), "турки тозиёна" (шартиллаб тез тушадиган қамчи) каби ифодалар орқали адабий тимсолларга айланиб кетган жанговар миллатнинг ушбу аслий хусусиятини уйғотиб юборишдан чор ҳукумати қўрқарди. Совет даврида ҳам шу сиёсат давом этди. Тўғри, керак вақтида, фашизмга қарши самарали фойдаланди, лекин ундан кейин қўшин янги замонавий қурол-яроғга ўтаётган пайтда, қўлига белкурак тутқазиб, "стройбат"га боғлаб қўйди. Оқибат шу бўлдики, армияга бориш эмас, қолиш эътибор топа борди. Ҳарбий истилоҳлар у ёқда турсин, ҳарбий ишнинг ўзи ҳам бутқул унутилди. Умуман, бу мустамлакачиликнинг пухта сиёсати эди. Халқимиз мабодо ўз мустақиллигини олганида ҳам муҳофазасини қила олмай, иттифоққа қайтиб келишга мажбур бўлишини кўзда тутарди. Шу жиҳатдан, бу масалага мустақилликнинг биринчи кунларидан алоҳида эътибор берилишида катта мантиқ бор.

Ниҳоят, мақоладаги истиқлол эъзози, унга бўлган пинҳоний илҳақлик ўша давр нуқтаи назаридан ғоят муҳим аҳамиятга эга эди. Тўғри, у бу фикрларни туркчилик доирасида беришга ҳаракат қилади. Бошқа чораси ҳам йўқ эди. Ва охирги гап шуки, Ҳусайнзода бу фикрлари билан туркий халқларнинг сиёсий бирлигини хаёлига ҳам келтирган эмас. Унинг Туркистондаги маслакдоши Абдулла Авлоний буни 1914 йилда жуда яхши айтган эди: "Бу кунда маданий миллатлар урушларини тижорат ва саноатга айлантирдилар ва бу сояда бирбирларига ғалаба ва рақобат қила бошладилар"

Хуллас, мақоладаги бир қатор фикрлар, ҳатто туркий халқлар орасидаги аҳиллликка доир мулоҳазалар ҳам ғоятда диққатга сазовор.

Мақолада тилимиздаги буйруқ феъллари таҳлили орқали миллатимизнинг фитратан ҳарбий салоҳиятга мойиллиги, қадимдан бери ҳукм билан, ҳукумат билан, ҳокимият билан яшаганлиги таъкидланади. Миллатнинг ҳарбий иншоотлар барпо этиш ҳамда давлатчиликка оид фаолияти тарихига назар солинади. Тарихда у нимага эришган бўлса, аскарлик орқали эришганлиги ибрат қилиб кўрсатилади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади: Амир Темурдек соҳибқирон айнан шу миллатдан етишиб чиққани бежиз эмас. Бинобарин, табиатан ҳарбий салоҳияти юксак бўлган миллатгина дунёга соҳибқиронларни бера олади. Буни англамоқ ва келажак наслларга англатмоққа бурчлимиз.

Бегали ҚОСИМОВ,
профессор

ДОИМИЙ ҲАМРОҲ



Ўзбек халқ чолғуларидан ҳар бирининг ўз тарихи, ясалиш услуби, ишлатилиш қоидалари мавжуд. Уларни билиш мусиқа соҳасида таълим олувчилар, ижрочилар учун, айниқса, фойдали.

Шу жиҳатдан Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида "Қонун" (Тошкент, 2004 йил) ўқув қўлланмасининг чоп этилиши айни муддао бўлди. Собиржон Абдуллаевнинг мазкур рисоласи Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар маркази ҳамда Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш институти томонидан нашрга тайёрланган.

Қўлланма тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида қонун, чолғу тарихи ва чалиш усуллари ҳақида сўз юритилади. Иккинчи қисмдан нота саводи ҳақида умумий тушунча ўрин олган. Учинчи ва тўртинчи қисмларда қонун учун мослаштирилган машқлар ва этюдлардан намуналар, турли жанрлардаги ўзбек ва қардош халқлар қўйларидан қонунда ижро этиш учун мўлжалланганлари берилган. Қўлланма қонун ҳақидаги билимларни кенгайтиради.

ТАФАККУР МЕВАСИ

— Тўғриси, тасвирий санъат асарини ҳамма ҳам теран тушунавермайди. Рассомлар ўзлари чизган асарларини изоҳлаб бера оладиларми?

— Мушкул савол. Рассом ўз асарларида ифодалаган ҳис-туйғуни тушунтириб беролмайди, у мазмунни айтиши мумкиндир. Аммо ҳис-туйғуларни фақат сезиш, ҳис қилиш лозим. Шунинг учун ҳам бир суратни ҳамма ҳар хил тушунади. "Тафаккурли инсон" асаримни Москванинг Манеж кўргазма залида намойиш этганимда бир одам шундай савол берди: "Ўртада яланғоч аёл, атрофида қариялар тасвирланган. Улар орасида қандай боғлиқлик бор?" Мен унга: "Сиз асарни жуда содда, жўн тушунибсиз", дедим ва нимани ифодаламоқчи бўлганимни айтганимда, "Ҳа, — деди ўша одам ўйга толиб, — суратни ҳис этиш, ўқиш керак экан-да". Менимча, суратни насрда ифодалаш анча мушкул, кўпроқ назм ёрдам беради.

Японияга қилган сафаримда бир рассомнинг уйида меҳмон бўлдик. Анча суҳбатлашиб ўтирганимиздан кейин рассом ичкаридан японча елпиғич олиб чиқиб, унга учлик шеър ёзиб берди. Мазмуни шундай:

Бугун осмонга ой чиқди,
Уйимга меҳмон келди,
Мен жуда хурсанд бўлдим.

Бу ҳам ҳис-туйғунинг бир ифодаси. Ҳатто нақшлар ҳам тафаккур меваси, уларда ҳам мен поэзияни кўраман.

— Гапларингиздан шеъриятни жуда севадиганга ўхшайсиз?

— Тўғри пайқабсиз, асосан япон поэзиясини яхши кўраман. Уларнинг учликларида расм учун чексиз фантазия манбаи бор. Яна Маяковский, Блок каби шоирлар шеърларида ўзига хос поэзияни кўраман. Уларнинг авангард услубида — зинапоя шаклида ёзилган асарлари илҳом манбаи. Замондош шоирларимиздан Абдулла Орипов, Усмон Азим шеърларини мириқиб мутолаа қиламан.

Мумтоз ўзбек қўшиқлари ва Европа классикасини севиб тинглайман. Мумтоз ва халқ қўйларимизни тинглаганимда, халқимиз босиб ўтган йўл, айниқса, қатағон ва уруш йиллари кўз ўнгимда бирма-бир жонланади. Булар катта полотноларга арзийдиган мавзулар. Яқинда устоз Саид Аҳмад домланинг "Киприкдан қолган тонг" тўпламини ўқиб чиқдим. Зўр мавзу, Усмон Носир ҳақида ҳам яхши асарлар яратса бўлади. Ўлмас Умарбековнинг ҳикояларини, кеч бўлса ҳам ўқиб чиқдим. Ҳозир қўлимга XX асрнинг улуғ сюрреалист рассоми Салвадор Далининг кундаликлари тушиб қолди. Қани энди ўқийверсанг. Афсуски, китоб ўқишга вақтим етишмайди. Биласизми, баъзида енгил-елпи қўшиқларни ҳам эшитаман. Уларни эшитиб, фикр туғилади. Яхшининг яхшилигини билиш учун ёмонни ҳам кўриб қўйиш керак, дейишади-ку, ахир. Ҳар ҳолда, катта-катта ишларга арзийдиган мавзулар кўп.

— Сўзларингиздан англашиляптики, сиз баъзан ўзингиздан қониқмай қоласиз, нималардир қилишга ҳамиша эҳтиёж сезасиз. Ҳозирги ёш ижодкорлар-чи, уларнинг фаолияти ҳақида нима дея оласиз?

— Агар дилимдагини айтсам, ёш дўстларим мендан ранжимасалар керак, деб ўйлайман. Аввало, ҳозир ўқишни битириб чиқаётган ижодкорларга анча мушкул. Қўпол бўлса ҳам, уларнинг аҳволини бўйни арқондан бўшаб, оғилини тополмаётган бузоққа ўхшатаман. Аксарият ёшлар ўқишни битириб ороликда қолиб кетадилар, уларни қўллаб-қувватлайдиган, иш билан таъминлайдиганлар йўқ.

Иккинчи томондан ёш ижодкорларнинг ўзларида ҳам камчиликлар йўқ эмас. Чизиш маҳоратини эгаллаб чиққанлар кўп, лекин аксариятида фикрлаш истеъдоди етишмайди. Боя айтганимдек, бугунги кўп ёшларга хос хусусият шуки, улар деярли китоб ўқишмайди, изланишдан эринишади. Ҳатто диплом ҳимоя қиладиган вақтда мавзу қидириб юришади. Ижодкор одам бугун нима долзарблигини, қандай мавзу муҳимлигини ўзи билиши керак, назаримда. Очиғи, бу гаплар фақат ёш рассомларга эмас, ҳаммамизга тегишли. Ҳозир тасвирий санъатда ҳам, ҳайкалтарошликда ҳам ўртаҳолчилик вужудга келди. Баъзи ижодкорлар бундан мустасно, албатта. Умри қисқа асарлар яратиш авж олиб кетди. Лекин ҳақиқий санъат асари фақат бугун учун эмас, келажак учун ҳам хизмат қилиши керак. Одамлар, барибир, тафаккурли асарларни, маъноли, мағзи тўқ фикрларни қадрлайдилар.

— Жавлон ака, қайси мавзулар ижодкорлар эътиборидан четда қоляпти, деб ўйлайсиз.

— Менимча, бизнинг соҳада мустақиллигимизнинг асл моҳиятини очиб берадиган асарлар деярли йўқ. Тўғри, майда мавзуда асарлар кўп, лекин яхлит бир маъно англатувчи суратларга эҳтиёж катта. Формализм, шаклбозлик кучайиб, мазмун анчагина орқада қолиб кетди. Мавзу жуда кўп. Мана, ҳозир катта-катта йўллар, кўприклар қуриляпти. Танқидий реализм услубида ҳам яхши ишлар қилиш мумкин: экология муаммолари, йўқолиб бораётган эски шаҳарлар қиёфасини тасвирларда сақлаш масаласи, пала-партиш қурилишлар... Эҳ-ҳе, ишлайман, деган одамга мавзу топилади. Яна тарихимизнинг очилмаган қирралари қанча...

— Бугун буюк Соҳибқирон туғилган кун. Сиз ҳам Амир Темур сиймосига бир неча бор мурожаат қилгансиз. Шу ҳақда сўзлаб берсангиз.

— Биласиз, улуғ бобомизнинг қиёфаси рус антропологи Герасимов чизганлари асосида тасвирланган. Лекин кўпчилик бу сурат Амир Темурнинг ҳақиқий қиёфасидан анча узоқ, деган фикрда. Менимча ҳам шундай. Шунинг учун, асосан, ёзма манбаларга суянганман.

Дастлаб Соҳибқироннинг тахтда ўтирган ҳолатини тасвирлаганман. Бу ишим ҳозир Темурийлар тарихи давлат музейида сақланади. Кейин Тарих музейидаги полотно — "Етти иқлим султони" асари туғилди. Бу асарга Соҳибқиронинг "Куч — адолатдадир" деган сўзлари мазмунини сингдиришга ҳаракат қилганман.

Боя айтганимдек, Амир Темур қиёфасини жуда кўп манбалардан изладим. Айниқса, испан элчиси ва тарихчиси Луи Гонзалес де Клавихонинг хотираларини, "Темур тузуклари"ни диққат билан ўргандим. "Темур тузуклари" Наполеондек одамнинг ҳарбий юришларида унинг учун гўё қўлланма вазифасини ўтаганини биласиз. Соҳибқироннинг фикрларидан унинг характерини топишга интилдим, асосий эътиборни Клавихо тасвирига қаратдим. Изланиш жараёнида қўлимга ўша асрларда ишланган бир хитой миниатюраси тушиб қолди. Унда Амир Темур ўтирган ҳолатда тасвирланган экан, кийимлари аниқ чизилган. Хуллас, барча изланишларим самараси сифатида дунёга келди бу асар.

— Жавлон ака, мухлисларга яна қандай гапларингиз бор?

— Яқинда пойтахтимизда ва Бухоро вилоятида бўлиб ўтган нотинчликлар бир ижодкор сифатида менинг ҳам ғазабимни қўзғади. Ўтмишда ўзбекнинг бошига қанча фожиалар тушмади, қирғин урушлар бўлмади. Европадан Шарққа, Шарқдан Европага бизнинг юртимиз узра қанча юришлар ўтди. Юртимиз яхши ва ёмон йўллар ўртасида қолди. Лекин юрт, халқ яшаяпти. Вақтинчалик алғов-далғов, тинч аҳолини безовта қилиш билан ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Юртимизда яхши ўзгаришлар бошланган. Уларни охирига етказиш учун вақт керак, тинчлик керак. Юртимиз жаҳон миқёсида ҳамма соҳалар бўйича ўз мавқеига эга бўлган мамлакатга айланади. Мен бунга ишонаман.

Гучехра УМАРОВА
суҳбатлашди

ТАҲРИРИЯТДАН:

Агар разм солган бўлсангиз, газетамизнинг биринчи саҳифаси бошидаги Навоий бобомиз суврати бугунги сонда ўзгача қиёфа касб этган.

Бу янги тасвир машҳур санъаткор, Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жавлон Умарбеков қаламига мансуб. Мусаввир бу сувратни таҳририятимиз илтимосига биноан чизди. Ўйлашимизча, ижодкор шоир образини ишонарли гавдалантира олган.

Биз таҳририят ва газетхонлар номидан академик рассомимизга миннатдорлик билдирамиз.

Маҳмуд ТОИРОВ

АЙТ, ДИЙДОРНИНГ ДУДОҒИ ҚАЙДА?

ЙЎЛГА ЧИҚҚАНМАН

Айт, дийдорнинг дудоғи қайда,
Соддаликнинг сабоғи қайда,
Яхшиликнинг яроғи қайда,
Уни излаб йўлга чиққанман.

Кўп экан-ку мендан яхшилар,
Борми, айтинг, сиздан яхшилар,
Кўринмайди Комил бахшилар,
Уни излаб йўлга чиққанман.

Отдан тушган кўп экан бунча,
Отга минмоқ осонми шунча,
Ким туради дунё тургунча,
Уни излаб йўлга чиққанман.

Сўзни сўзга тўти ҳам қўшар,
Гоҳи булбул зоғга пар тўшар,
Сукут ичра ким селдек жўшар,
Уни излаб йўлга чиққанман.

Боқий бахтнинг булоғи қайда,
Айт, жаннатнинг чироғи қайда,
Ёмонликнинг адоғи қайда,
Шуни излаб йўлга чиққанман.

***

Офтобни узиб бўлмас,
Тиконни тизиб бўлмас.
Дил расмин чизиб бўлмас,
Қўлдан келган иш яхши.

Ой доғин ололмайсан,
Ё юлдуз бўлолмайсан,
Тақдирга кўнолмайсан,
Кўй, йиғлама, эй бахши.

Саҳрода тош сўрама,
Тошдан кўз ёш сўрама,
Ёвдан йўлдош сўрама,
Хом хаёлдан туш яхши.

Бўзлаб бой бўлолмайсан,
Оқмай сой бўлолмайсан,
Ўзга деб ўлолмайсан,
Ибодат бу дил нақши.

Хамир кўпчиб тушгайдир,
Тандир қўрни хушлайдир,
Кул кўнгилга тушмайдир,
Ақл яхши, хуш яхши

Ҳар кўзда бир кўзгу бор,
Маҳмуд, дилга ёғду ёр,
Битолмасанг хуш ашъор,
Қўлдан келган иш яхши.

***

Қуёш қуйиб кул бўлмас экан,
Ой узилиб гул бўлмас экан,
Бу юлдузлар тил билмас экан,
Осмонида нима бор бизга?

Йўлга чорлар ишқдан узоқлар,
Булбулман дер гулдан йироқлар,
Кўз очмаса янги булоқлар,
Карвонида нима бор бизга?

Йиқилмаган йигитдек сархуш,
Кекса полвон кўриб ётар туш.
Бир белбоғсиз буюрса юмуш,
Майдонида нима бор бизга?

Меҳмон кўрмай ўтган нокаснинг,
Қалби кўрсиз, тутун нафаснинг,
Қалдирғочни қувган ул каснинг,
Айвонида нима бор бизга?

Оғир юкнинг ороми қайда,
Енгилидан бормикан фойда,
Бир ҳовуч буғдойи йўқ жойда,
Самонида нима бор бизга?

Бекорчига боқмас бу дунё,
Ёлғончига ёқмас бу дунё,
Маҳмуд, агар ёр бўлса Ҳудо,
Армонида нима бор сизга?

ЖУМБОҚ

Узун тунлар эртагин,
Ойга сўйлаттанмисан?
Оқшом кўкка термулиб,
Юлдуз йиғлаттанмисан?

Лола терсанг илдизин,
Эркалаб қўйганмисан?
Райҳонзорлар ичинда,
Ифорга тўйганмисан?

Боларининг бир бора,
Бармоғин ушладингми?
Тонглар хушвақт турганда,
Худони хушладингми?

Кетдим деб керилганда,
Қайтишни билурмисан?
Тошларга ҳам бир қўшиқ,
Айтишни билурмисан?

Айт, кўнгилнинг рангидан,
Қайси бир ранг зиёда?
Тиловатдан тотлироқ,
Оҳанг борми дунёда?

Маҳмуд, айтар сўзингни,
Фикрини қилганмисан?
Шеър берганнинг шаънига
Шукрни қилганмисан?

ОЛЛОҲ ДЕСАМ...

Мен умидла узган узумни,
Илиб кетди тонгда қарғалар.
Куллар сочиб гулдай кўнглимга,
Кулиб кетди тонгда қарғалар.

Мен излаган шафқат шамоли,
Қайлардадир тўрларин тилар.
Менинг жисмим тусин кўрмаган,
Менинг кўнлим рангин на билар.

Энтикади дил нега интиқ,
Бу не дардки, қоғоз қораяр.
Қаламимни тортиб олгудай,
Таъқиб қилар гоҳо соялар.

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим,
Нурлар ёғар жисму жонимдан.
Оллоҳ десам фаришталар ҳам,
Шеърлар айтар менинг номимдан.

ҚАЙТАЙИН

Тиштлатмангиз тилимни,
Билганимни айтайин.
Кўнглингизни кўзини,
Кўргим келса қайтайин.

Деманг буни нолишда,
Офтоб мендан олисда.
Бахт балқиган болишда,
Бўлгим келса қайтайин.

Ғунчанинг хайронлиғин,
Булбул дил вайронлиғин,
Манов сут айронлиғин,
Сизга қандоқ айтайин.

Кўҳна тоғлар чўкмасми,
Арча хазон тўкмасми,
Қувонч ғамдан қўрмасми,
Билгим келса қайтайин.

Чақмоқдаги чиройни,
Ҳеч доғи йўқ бир ойни,
Кўзлари тўқ гадойни,
Кўргим келса қайтайин.

Қўл тафтини қўл билар,
Қор қақшаса дўл бўлар,
Шоир бунча гўл бўлар,
Кулгим келса қайтайин,
Билгим келса қайтайин.

ЯРАШМАС ЭНДИ

Куёш бизга қўшилса керак,
Ой арқондек эшилса керак,
Нега юм-юм йиғлайсан, юрак,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.

Қорсиз тоғлар қора тош экан,
Тилло ҳам бир сара тош экан,
Иккимизда кўнгил ёш экан,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.

Тунни кўрмай чироқ ёқмаймиз,
Биров берган бахтга боқмаймиз,
Биз ёқмасак зоғга ёқмаймиз,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.

Гул ҳақида қуйлаганлар кўп,
Кул ҳақида қуйлаймизми, хўб?
Кўзимизга солсалар ҳам чўп,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.

Бу дунёнинг беки бўламиз,
Бинафшанинг кеки бўламиз,
Ўлдирсалар Ҳақ деб ўламиз,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.

Умиди бор увол кетмасин,
Дили борга завол етмасин.
Биз булбулмиз гул унутмасин,
Кўз ёш бизга ярашмас энди.

ХУШ ТИЛАК

Яхшимисан, ёмон дўст,
Буғдой қани сомон дўст,
Сен ерга туш осмон дўст,
Эрта бир кун кеч бўлар.

Шакар тутсанг туз бўлса,
Сени кўрса гул сўлса,
Тилагингда муз бўлса,
Туғишган ҳам ҳеч бўлар.

Дардинг қумдай сочилса,
Жон чокидан сўкилса,
Қошингда Жаббор кулса,
Сенинг учун ким ўлар?

Бурунгидан қолғон дўст,
Тош ҳам айтиб толғон дўст,
Яхши бўлмас ёмон дўст,
Хом данаклар пуч бўлар.

Жон жамоли жондадир,
Марднинг қадри қондадир,
Буғдой шони нондадир,
Хуш тилак ҳам куч бўлар.

БИЛМАСАНГ

Ҳаммаси ўткинчи, хўш нима ўтмас,
Бу дунёда айт, қўлдан нима кетмас,
Нимани кўз кўриб, ва ё кўл тутмас,
Гар билсанг тортинма, айтавер шоир.

Тоғларни бўйига бўй қўшгувчи ким,
Оқилнинг ўйига ўй қўшгувчи ким,
Саволлар кўп вале, жавоблари жим,
Гар билсанг тортинма, айтавер шоир.

Кичик тош улғайиб катта бўлурми,
Ойнинг етовига қуёш кўнурми,
Билмай яшасанг ҳам кўнгил тўлурми,
Гар билсанг тортинма, айтавер шоир.

Кўрганим қурсин дер кўрмаган одам,
Қандоқ қайтар экан келмаган одам,
Осмондан тушарми, ўлмаган одам,
Гар билсанг тортинма, айтавер шоир.

Тилсимлар қошидан қайтавер шоир,
Тушларинг сувларга айтавер шоир.
Дунё сирларини тубин ахтарма,
Билмасанг билганинг айтавер шоир.

ЮК КЎТАРСАНГ БЎЗЛАМА

Чимдим қўрнинг қошида,
Кул бўлгунча куттайсан.
Юз йил умр кўрсанг ҳам,
Олов кўрмай ўттайсан.

Йиғламоқ дод солишмас,
Кўнгил кўзи ёшлансин.
Хуш ниятнинг аввали,
Бисмиллодан бошлансин.

Болам десанг сўз ширин,
Онам десанг ундан хуш.
Эл кўзгуси синмайди,
Минолмасанг отдан туш.

Юк кўтарсанг бўзлама
Мадад тила Оллоҳдан.
Тунга қандай наф тегар
Кундуз ёққан чироқдан.

Супургини соғинган,
Остонага кўп увол.
Этаси ор қилмаган,
Кошонага кўп увол.

Гап келса ҳам отангга,
Сийлаб айттин сўзингни.
Оллоҳ қандай баҳолар,
Кул бозорда ўзингни.

ФИКРИ ОЖИЗ...

Ким тиконни талашур,
Сунк итга ярашур.
Фикри ожиз дунёда,
Боши йўқлар бош қашур.

Биз нимадан тўйганмиз,
Бизлар кимдан куйганмиз?
Сув қўрмайин гоҳида,
Этик ечиб кўйганмиз.

Осмон ерга тушмайди,
Ер осмонга чиқмайди.
Аро йўлда юрганлар,
Ҳақиқатни уқмайди.

Қошинг қаро ўзингга,
Сўзинг қаро — юзингга.
Бахтдан бетоб ётганда,
Кимлар боққан кўзингга?

То ҳаётмиз, йўлчимиз,
Терин шилса кўнчимиз.
Тиригида тикону,
Қабристонда гулчимиз.

Айтаверсак армон кўп,
Армонлардан толғон кўп.
Эл кўтарган элакдан,
Сўзи тушиб қолғон кўп.

ҲАЁТИЙ ҲАНГОМАЛАР

Муқаддам НИЗАНОВ

«БИР СОАТ ШАРТМИ?»

Мирзек Қалимбетов узоқ йиллар телевидение ва радиоэшиттириш комитетини бошқарди. У жуда ҳаракатчан, тез-тез гапирадиган, оқ кўнгил киши эди.

Одатда газета ва радио-телевидениеда ҳафтанинг маълум бир кунида "летучка" (мажлис) ўтказилиб, ўтган ҳафтада қилинган ишлар таҳлил этилади. Шундай "летучка"ларнинг бирида телевидение муҳаррирлари фикр билдиришди:

— Бир соатлик кўрсатув жуда узоқ. Телетомошабинлар зерикиб қолиши мумкин. Буни иложи борича қисқартириш керак.

— Дуруст фикр, — деди Мирзек оға дарҳол, — қувватлайман. Кўрсатувни чўзиш шарт эмас, саксон минут бўлақолсин! Мирзек оға ҳаммаа ўлчовлар юздан қайтади, деб ўйлаган бўлса керак.

«ҲЕЙ БОЛА, ЭҲТИЁТ БЎЛ!»

Мирзек оға бир куни оркестрнинг ишларини кўздан кечирмоқчи бўлибди. "Ўттизга яқин одам ойлик олади. Икки соат келади, кетади. Хўш, улар нима иш қилишар экан?" дея хаёлидан ўтказибди у.

Бориб бирпас оркестрнинг ишини кузатиб турибди. Оркестрнинг дирижёри Абдурайим Султонов қўлидаги "таёқ"ини ҳаракатлантириб, уларга бир нимани ўргатаяпти. Мирзек оға қараса, тўртбеш созанда асбобларини тиззасига қўйиб, тинчгина ўтирибди. Бошқалар эса берилиб қайсидир куйни ижро этмоқдалар.

— Бу созандаларнинг ҳаммаси бир хил маош оладими? — дея сўрабди Мирзек оға Абдурайим Султоновдан.

— Ҳа.

— Унда нега анавилар чертмай ўтиришибди?

— Мирзек оға, уларнинг партияси бошқа, — дебди оркестрнинг бошлиғи.

— Ҳей бола, оғзингга қараб гапир. Бизда ҳамма ерда бир партия. Буни уларга тушунтир. Ялқовлик қилмай, чалиб ўтиришсин, — деб чиқиб кетибди.

"СЎРАБ ЧЕККАНДАН ЯХШИ-КУ!"

Журналист Шароф Уснатдиновни гапда енгиш қийин. Лекин унинг ҳам енгилган пайтлари бўлган.

У саксонинчи йилларда телерадио комитети бошлиғининг телевидение бўйича ўринбосари бўлиб ишлади. Эфирда кетадиган кўрсатувлар тартибини белгилаш каби кўпгина кундалик ишларга у жавобгар эди.

Шароф оға шундай тиғиз ишлар орасида қиттай вақт топиб, сал нафасни ростлаш учун ташқарига чиқса, муҳаррир Қипчоқбой Матмуродов тамаки чекиб турган экан. Буни кўрган Шароф оғанинг ҳам чеккиси келибди.

— Қипчоқбой, сигаретадан ол! — дебди.

У "Астра" сигаретасининг қутисини очиб, Шароф оғага тутди.

— Иним, "Астра"га ўтибсанми? — дебди. Шароф оға бир дона сигарет ола туриб, — филтрлисидан йўқми?

— Эй оға, сўраб чеккандан шу яхши! — дебди Қипчоқбой.

«ҚАЙТИМИНИ БЕРМАЙСИЗЛАРМИ?»

Болалар шоири Холмурод Сафаров етмиш ёшга киргунча бир жойда — "Қарақалпақистан жаслари" газетасида ишлади. 2001 йилнинг ёзида кексалик нафақасига чиқди. У болалар шоири бўлганлиги учунми, боладай беғубор, содда ва оқ кўнгил бир киши эди.

Етмишинчи йилларда бир куни Холмурод ака газетанинг тунги навбатчилигидан қайтаётган эди. Олдидан уч-тўрт йўлтўсар безорилар чиқибди.

— Уч сўм берасан! — дебди улар Холмурод оғага ўдағайлаб.

Холмурод оға қараса, аҳвол чатоқ. Бериб бўлмайди. Ҳамёнида бир дона ўн сўмлик бор экан. Йўлтўсарларга шуни узатибди. Уч сўм ўрнига ўн сўмга эга бўлган йўлтўсарлар қувониб йўлни бўшатибдилар. Бироқ Холмурод оға ўрнидан жилмабди.

— Ҳа, нима қилиб турибсан? — дебди безорилардан бири.

— Сизлар уч сўм сўраган эдингизлар, мен ўн сўм бердим-ку! Қайтимини бермайсизларми? — дебди Холмурод оға.

Холмурод оға қайтимига бир мушт егач, мулойимгина бўлиб уйига жўнабди.

«НЕ БОР, БУРУН БОР!»

Шароф оға кўнгилга яқин дўстларини, ҳали салом-алик қилишга улгурмасдан, гап билан чимчилаб олади. Бунга тайёр бўлиб турмаган одамни қора тер босиши ҳеч гап эмас.

Бир куни у тўрт-беш йигитларнинг даврасида турган эди. Шу пайт "Шоир Сейдабдуллада нима бор, бурун бор!" деб гап бошлабди Шароф оға.

Сейдабдулла оға ҳам фурсатни қўлдан бермай гапни илиб кетибди:

— Тўғри айтасан, Шароф оға, — дебди у, — бизни бурунни сендан олдин ҳам уч хотин мақтаган эди.

«ҚЎЛЁЗМА НЕГА КЕЧИКДИ?»

Олтмишинчи йилларда "Ёш гвардия" нашриётида қорақалпоқ ёзувчиси Эденбай Тожимуродовнинг қиссаси босиладиган бўлди. Уни бир уйғур таржимон ўзбекчага ўгирган экан. Таржимага муҳаррирлик қилишни эса Носир Фозиловга топшириб қолдилар.

— Қани айтинг-чи, Фозилов, — дебди бир куни йиғилишда нашриёт директори Сотиболди Йўлдошев, — Эденбай Тожимуродовнинг китоби нима учун графикдан кечикяпти?

— Албатта кечикади-да, — дебди Носир оға ўрнидан туриб, — китобни қорақалпоқ ёзса, уни уйғур ўзбекчага таржима қилса, муҳаррири қозоқ бўлса.

Ҳамма дувва кулиб юборибди. Носир оға эса гапдан қутилибди.

«ҚИЗАМИҚДАЙ БОТИБ КЕТДИ»

Узоқ йиллар Нукус шаҳар ижроқўмининг раиси бўлиб ишлаган Жумамурод Абдимуродов жуда серзавқ ва гапга чечан одам. Унинг билан даврадош бўлсанг, ўтиришнинг охиригача зерикиш нималигини билмайсан.

Бир куни ўнга яқин йигит Жумамурод оға билан меҳмондорчиликка бордик. Жумамурод оға бир кун олдин кўпроқ ичган бўлса керак, тиришиб, буришиб зўрға ўтирди. Бу ерда эса аксига олиб, ҳадеганда шиша очилавермади.

Ниҳоят, дастлабки тилаклар айтила бошланди. Биринчи, иккинчи, учинчи тилаклар... Жумамурод оғанинг тан-бадани бўшашиб, жиққа терга ботди. Шу орада турли гап-сўзларга чалғиб, ароқ ичиш узилиб қолди.

Орадан анча муддат ўтгач косагул йигит қўлига шишани олиб Жумамурод оғага юзланди.

— Жумамурод оға, тўхтаб қолибмиз-ку, нима дейсиз, яна қуяверсамми экан?

Боядан бери зўрға одоб сақлаб ўтирган Жумамурод оға:

— Ҳай, қуядиган бўлсанг, қуявермайсанми? Эндигина баданим яйраб, тер чиқа бошлаган эди, у ҳам қизамиқдай қайтиб, баданимизга бота бошлади-ку, — деди.

Ҳамма кулиб юборди, бу гал ҳеч қандай тилак айтилмасдан, тернинг қизамиқдай ботиб кетмаслиги учун ичдик.

Қорақалпоқ тилидан
Исмоил ОЛЛОБЕРГАНОВ таржимаси

КАРИКАТУРА УСТАСИ



1960 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топган Ҳусанбой Содиқов ижодий фаолиятини бошлаганидан буён орадан қарийб 30 йил ўтибди. У 1996 йилдан "Муштум" журналининг бош рассоми бўлиб ишламоқда.

Япония, Франция, Италия, Россия, Чехия, Туркия, Тайван, Белгия, Бразилия, Жанубий Корея, Исроил, Эрон каби кўпгина мамлакатларда нашр қилинган китоблар саҳифаларида "Ҳусанбой Содиқов, Ўзбекистон" деган ёзувнинг борлиги ижодкор меҳнатининг эътирофидир.

Ҳусанбой Содиқов Корея ҳажвчилари уюшмасининг ва Япония карикатурачилар ташкилотининг фахрий ёрлиқлари, 2001 йили эса халқаро танловда бронза медали, 2003 йили Эрон ҳамда Хитойда ўтказилган кўргазмаларда диплом билан мукофотланган.

1999 йили чоп этилган Ҳусанбой Содиқовнинг "Нега куласиз?" номли карикатуралар тўплами қисқа муддатда қўлма-қўл бўлиб кетди. Рассом айни пайтда яна иккита ҳажвий расмлари тўпламини ўзбек, рус, инглиз тилларида нашрга тахт қилиб қўйган.

Сиз кўриб турган ушбу карикатуралар моҳир рассом Ҳ.Содиқов ишларидан айрим намуналар.

ЯНГИ ЛАРОДНЯЛАР

Турсунбой АДАШБОЕВ

Рауф ТОЛИБга

"Кириб келди,
Кириб келди
Янги йилжон,
Янги йил".
"Янги йил" шеъридан

* * *

"Яшнар она замин,
Уйна, кул Наврўз.
Янги орзу, янги кун,
Янги йил— Наврўз".
"Наврўз" шеъридан

Ким завқ олмас аслида,
Янги йилдан, кўкламдан.
Машқингизни ўқидик,
Янги чиққан тўпламдан.
Арзон, сийқа гап билан,
Болаларни овутманг.
Қитобхоннинг ихлосин,
Ўзингиздан совутманг.
Компьютерлар замони,
Ўсмир, тийрак ёшдамиз,
Саксонинчи йиллар ўтди...
Бизлар тамом бошқамиз.
Ким ўқиса шеърингизни,
Ақлин қайраб, чархласин.
Она Ватан қадрини,
Идрок этсин, фарқласин.
Холис сўздан шоир тоға,
Сиз яна юрманг нолиб.
Зўр ёзсангиз ўқиймиз,
Ҳаттоки дарсдан қолиб...

* * *

Ҳамид НОРҚУЛга

"Тўйиб кетдим муҳаббатдан,
Жонга тегди аламлари.
Синиб қолсин ўшал қизнинг
Қошга қўйган қаламлари"...
"Тўйиб кетдим" сарлавҳали шеъридан

Бақатерак ёнбошига,
Исмингни-ку ўйган эдим.
Китобингни қатларига,
Тўрт сатр шеър қўйган эдим.
Бир бўсанинг илинжида,
Ҳандалак ҳам сўйган эдим.
Истиғноси ошиб кеттач,
Муҳаббатдан тўйган эдим.
Ишқ ва бозор иқтисодин.
Жонга тегди аламлари.
Энди мени менсимайди,
Ўшал қоши қаламлари.
"Нексия"да, қўл телефон,
Шундай замон санамлари.
Бир достонга мавзу бўлар,
Ишва, нози, карамлари.
Пешонамга муҳр бўлиб,
Тушди ажин-тарамлари...

* * *

Менглибой МУРОДОВга

"Зўр шеър илинжида,
Шомдан тонг қадар.
Қоғоз қоралайман,
Хаёл дарбадар.

Агар ёзолмасам,
Қон бўламан, қон.
Юрагим куйдирар,
Чақнаган вулқон".
"Илинж" шеъридан

"Тин олади борлиқ тамом,
Ҳатто шамол эсмас ғир-ғир.
Ороминги қилиб ҳаром,
Чор томонда пашша изғир.
Иш бермайди гоҳ чодир ҳам,
"Виз-визидан" чатнар асаб..."
"Ёз кечаси" шеъридан

Тангримга минг шукр,
Шу баҳор чоғи.
Азобдан қутқазди,
Ижод тўлғоғи.

Белимни тўрт қават,
Қамишда боғлаб.
Дояни чақирмай,
Ўзимни чоғлаб.

Зўр шеър илинжида,
Ўбдон энтиқиб.
Ярим тун. Ётибман,
Ойга кўз тикиб.

Пичирлаб, нафасни,
Ютаман ичга.
Қулоққа чалинди,
Бир куй — ингичка.

Мумтоз нағмаларга,
Ўхшар оҳанги.
Дутори эски-ю,
Навоси янги.

Таниш куй қулоққа,
Ёққандай бўлди.
Бурнимни нимадир,
Чаққандай бўлди.

Ғижжакнинг симидай,
Тортилди асаб.
Чақнаган илҳомни,
У кетди ясаб...

Сўнг билсам, чивинлар,
Ҳашарга кепти.
Зўр шеърнинг белига,
Ўшалар тепди...

"Болалигим, хайр энди,
Пошшолигим, хайр энди.
Энди қайта учрашмасмиз,
Йигитликдан хабар келди."
Диёрбек МАҲКАМОВ қўшиғидан.

Болалигим, хайр энди,
Лолалигим, хайр энди,
Ҳилватларга сайр энди —
Йигитликдан хабар келди

Шуқур, чиқиб олдик қишдан,
Унутилди памперс-иштон,
Юрак ўйнар ажиб ҳисдан,
Йигитликдан хабар келди.

Тушга кириб, бир нечалар,
Тўлғонаман тун-кечалар.
Булбул тинмай нағма чалар,
Йигитликдан хабар келди.

Нодон дея кулма, гумроҳ,
Ростни айтиш — эмас гуноҳ.
Бори элни этгум огоҳ —
Йигитликдан хабар келди.

Сирожиддин РАЖАБОВ

"КАМПИРНИНГ ДАРДИ ЁЎЗАДА..."

Эркин УСМОНОВ

Тоживой троллейбусга чиқди-ю, орқа майдончадаги дераза ёнида турган попукдеккина қизни кўриб алланечуқ бўлиб кетди. Эс-ҳушини йўқотиб қўяёзганидан, ҳатто тушадиган жойидан уч-тўрт бекат ўтиб кетганини ҳам сезмай қолди.

Чунки у бўйдоқ эди...

* * *

Сершовқин кўчадан устига ароқ шишалари тўла қутилар ортилган юк машинаси ўтди. Шайдулло машинага нима юкланганини шишаларнинг қадрдон шақир-шуқур товушиданоқ таниди ва ютина-ютина орқасидан қараганча қолди.

Чунки у пиёниста эди...

* * *

Ваққос Пакқосович телевизорда кенгуруларга бағишланган "Ҳайвонот оламида" кўрсатувини томоша қилиб ўтириб, чуқур хўрсиниб қўйди. Шу топда унинг кенгуруларнинг қорнидаги катта ва чуқур халталарига жуда ҳаваси келиб кетди.

Чунки у порахўр эди...

* * *

Қўшни маҳалла тарафдан келаётган доира така-тумини эшитган Рисолат сатанг ўзининг бир кам 90 килолик гавдасини ҳам унутиб, лапанглаганча бармоқларини қирсиллатиб ўйинга тушиб кетди. Ва зум ўтмай, тили осилиб, пишиллаганча ерга ўтириб қолди.

Чунки у тўйма-тўй юрадиган собиқ раққоса эди...

* * *

Хўш, ўзингиз-чи, ўзингиз дерсиз?

Мен уйга қайтдиму, ечинмасданоқ ёзув столи ёнига ўтирдим ва ана шу кўрганбилганларимни қоғозга туширишга шошилдим.

Чунки мен ёзувчи эдим...



Хуршид АЛМУРОДОВ 1988 йили туғилган. Ҳозир Жаҳон тиллари университети қошидаги академик лицейда ўқияпти. Чет тилларини пухта ўрганиш билан бирга ҳажвий ҳикоялар машқ қилишга ҳам унинг ҳаваси баланд.

Қуйида ёш қалам кашнинг қатра ҳангомаларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

ОШ БЎЛСИНМИ ЁКИ ШЎРВА?

Ўтган якшанба куни дадам иккаламиз Олой бозорига боришимиз биланоқ тўрт дона бўрсилдоқ нон харид қилдик. Бир-биридан қолишмайдиган нонвой сотувчи қизлар табассум билан ортимиздан:

— Ош бўлсин, келиб туринглар, — деб қолишди.

Кейин ҳар хил кўкатлар харид қилдик. Кўкатфуруш онахонлар ҳам нонвой қизлардан қолишмаслик учунми бараварига:

— Ош бўлсин, — дейишди.

Ниҳоят навбат сабзавотларга келганда сабзавотфуруш йигитлар ҳам ош бўлсин, дейишни эсларидан чиқаришмади.

Шунда дадам:

— Пулимни қайтариб беринглар, ҳеч нарса керакмас, — деб картошка, сабзи, шолғомларни сумкадан чиқара бошлади. Улар ҳайрон бўлиб:

— Нега? — деб сўрашди.

— Ҳамма сотувчилар ош бўлсин, деяпти. Нима қилишни билмай қолдик, — деди дадам, — биз отабола қайнатма шўрва қилмоқчимиз.

Улар савдолари бузилишидан чўчиб дарҳол:

— Бўлмаса шўрва бўлсин, ака, шўрва бўлсин! — дейишди.

— Бу бошқа гап, — деди дадам кулиб, — ҳаммамизнинг ниятимиз бир ердан чиқди. Мана энди ҳақиқий аканг ўргилсин қайнатма шўрва бўлади-да.

ДАДАНГ ҚИЗҒАНЧИҚ ЭКАН

— Катта бўлсам дадам менга келинчак олиб беради, — деб Носир ўртоғига мақтанди.

— Нечта? — деди қизиқиб Жалил.

— Битта, — деди ўнг қўли кўрсатгич бармоғини кўрсатиб Носир.

— Даданг қизғанчиқ экан. Менга эса дадам кўп келинчак олиб беради. Биласанми, мана шунча, — деб Жалил икки қўлининг бармоқларини ёзиб кўрсатди.

ШАМОЛЛАТДИМ

Усмонқул ота невараси Содиқ билан булунғурлик дўстининг тўйига бораётган эди. Ярим йўлда машинаси бузилиб қолди. Ўзи астойдил ҳаракат қилса ҳам созлай олмагач:

— Бўталоғим, сен машинага қараб тургин. Мен ҳу анави кўриниб турган устахонадан бир устани чақириб келай, зора юриб кетса, — деб Содиққа тайинлаб кетди.

Тезда Усмонқул ота шопмўйловли бир устани бошлаб келди. Қараса машинанинг тўрт ғилдираги ҳам пучайиб ерга қапишиб ётибди.

— Оббо, энди нима қилдик, — деди ҳафсаласи пир бўлиб отахон, — шиналари тешилиб қолибди.

— Бобо, тешилгани йўқ, — деди невараси, — Мен сиз кетгандан кейин ҳавосини чиқариб шамоллатдим, янги тоза ҳаво солсак юриб кетади.

ШУНИ ҲАМ БИЛМАЙСАНМИ?

Акбар билан Одил суҳбатлашиб ўтирган эди. Ҳеч кутилмаганда Акбар:

— Одам қаердан пайдо бўлади? — деб сўраб қолди.

— Вой, шуни ҳам билмайсанми? — деди саволга савол билан Одил.

У жиддий:

— Йўқ, — деди.

— Мен эса жуда ҳам яхши биламан, — деб Одил мақтанди.

Акбарнинг қизиқиши янада ортиб:

— Айт-чи, — деди, — шоколад бераман.

— Олдин берсанг, кейин айтаман, — деди ўртоғи.

— Ма, ол, — деб шоколад узатди.

Одил уни оларкан:

— Раҳмат, — деб миннатдорлик изҳор этди. — Масалан, ойилар-чи ҳар куни кўп овқат еяверса, еяверса борку, қорни мана бундай семиради-да, чақалоқ туғади. Шундай қилиб, одам овқатдан пайдо бўлади.

Хуршид АЛМУРОДОВ

Дунё —кенг...

ТУМАН ЮТГАН ОДАМЛАР

ёхуд "қора туйнук" даҳшати

... Бир дақиқа ичида бир юз эллик киши кўздан ғойиб бўлди. Ғувоҳлар бу одамларни пастқамликка тушишган чоғда қалин булут шаклидаги нурли туман қоплаганини аниқ кўришган. Шу зумдаёқ нур таратган қуюқ масса тепага кўтарилиб, кўздан йўқолган. Туман билан бирга британ армиясига қарашли батальон аскарлари ҳам гумдон бўлган.

1915 йил 21 августда кундуз куни ўнлаб одамларнинг кўз ўнгида содир бўлган бу ҳодиса эллик йил мобайнида сир сақланган. Фақат 1967 йилга келиб Европа жанубидаги Дарданелл атрофида рўй берган ана шу воқеа гувоҳларининг кўрсатмалари эълон қилинди.

Одамларнинг оммавий тарзда йўқолиб қолиши жаҳон тарихида ҳозиргача қоронғилигича қолаётган ҳодиса. Масалан, 1950 йили Америкадаги Руаннук қишлоғига кирган аскарлар уйларда шамлар ёниб турганини, дастурхонлардаги таомлар ҳали совумаганини кўришган... бироқ бутун бир қишлоқда бирорта одамни учратишмаган! Дастлаб, улар қишлоқ аҳлини ҳиндулар қириб кетган, деб ўйлашган, лекин на бир томчи тўкилган қон ва на бирорта майитни топишган. Фақат руҳонийнинг уйи ёнидаги дарахтга қинғир-қийшиқ ҳарфларда ўйиб ёзилган: "У бундай кўринишда эмас, кўринишда..." деган ёзув қолдирилган. 1923 йил 5 февралда Бразилиядаги Хоер-Верде қишлоғининг олти юз нафар йўқолган аҳолисини қидириш ҳеч қандай натижа бермагач, тўхтатилган эди. Қишлоқдаги мактаб доскасида эса: "Нажот йўқ", деган ёзув қолган, холос.

— Бу воқеалар борасида биз фақат фаразларимизни айтишимиз мумкин, уларни илмий жиҳатдан тушунтиришга ҳали ожизмиз, — дейди Хитойда одамларнинг оммавий тарзда йўқолиб қолиши ҳодисасини кўп йиллардан бери тадқиқ қилиб келаётган харбинлик тарих фанлари доктори Цзун Ли. — Масалан, 1937 йили Нанкин яқинида уч минг хитой аскарининг йўқолиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин? Яқинда мен 1945 йил ноябрда собиқ СССР НКВДсининг юз кишидан иборат 12-ротаси йўқолгани ҳақида шаҳар архивидан гувоҳнома топдим. Улар шаҳардан темирйўл бекатига йўл олишган ва қайтиб келишмаган. Ўша йили Гуандадан юзлаб йўловчилар билан Шанхайга йўл олган поезд бус-бутун гумдон бўлган. Ундан нафақат бирорта одам, балки бир парча темир ҳам топилмади.

Тадқиқотчи Ричард Лазарус бу ҳодисаларга доир ўзининг шундай тахминини айтади. Метеоритлар (самовий жисмлар) Ерга келиб тушиши жараёнида беҳад катта қувватга эга бўлади. Уларнинг қуввати ҳатто миллиард волтга ҳам етиши мумкин. Айрим метеоритлар Ерга тушганча парчаланиб кетади ва оқибатда Ерга жуда катта кучланишдаги энергия урилади; бунинг натижасида электростатистик левитация пайдо бўлади — одамлар тўдаси, шунингдек, кемалар ва ҳатто поездлар ҳавога учиб кетади.

— Бу борада менинг фикрим бошқачароқ: одамларнинг йўқолишига "қора туйнуклар" сабабчи, — дейди Калифорния университети профессори Жейн Линдсетт, — Ерда гоҳида вақт ва маконнинг ўзгариши рўй бериб турадики, оқибатда бутун бир шаҳар бошқа ўлчамга ўтиб қолади. Ер юзида ўнлаб бундай "қора туйнуклар" бор. Уларга гоҳида алоҳида одамлар ҳам тушиб кетади. Ўн йил олдин Андроверда (Техас штати) Лидия Кимфелд деган ўттиз олти ёшли аёл йўқолиб қолди. Бир соатдан кейин унинг мурдаси шаҳардан минг километрча йироқда топилди... ёриб кўрилганда бу аёл икки ой олдин вафот этгани аниқланди!

Бундай ғаройиб ҳодисаларнинг навбатдагиси 2001 йил Конгодаги Стому қишлоғида рўй берди. БМТ ходимлари инсонпарварлик ёрдами олиб келишганда қишлоқда бирорта одамни топишолмаган. Ҳатто уй ҳайвонларини ҳам учратишмаган. Фақат қабила бошлиғининг кулбасида кўмир билан шошилинч ҳолатда ёзилган "Кочинглар! Бу..." деган ёзувини ўқишган. "Бу..." нималигини ёзишга қабила бошлиғи улгурмаган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистон халқ артисти, миллий цирк санъати асосчиларидан бири **Обиджон ТОШКЕНБОЕВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Маданият ишлари вазирлиги Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист **Тоштемир ШАРИПОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Чилонзор туман маданият ишлари бўлими туман ҳокими Ҳ.С.Маҳкамовга падари бузруквори **Саъдулла ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-48
Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50
Санъат бўлими: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93
Назм ва наср бўлими: 133-49-93

Бош муҳаррир Мурод АБДУЛЛАЕВ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Байрамали МУҚИМОВ
Саҳифаловчи — Шоҳруҳ ҚОСИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди —

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 058-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г — 563. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН
Тиражи — 5472